201 A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 20 (1241) • 2019-yil 18-may, shanba

## Ҳудудларда ислоҳотларни бир хил суръатда амалга ошириш, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиш – асосий мақсадимиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот 12 фоиз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ўсган. Жорий йил биринчи чоракда ҳам юқори суръат кузатилди.

Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмагани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Асака тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади. Бошқа туманларда саноат деярли ривожланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган қиймати 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 мингдан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги бўлган оилаларни аниқлаб, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 420 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Андижон шаҳрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўплаб тижорий асосдаги уйлар, қишлоқ жойларда 224 та намунали уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон турар жой қурилиши маълум қилинди.

2-БЕТ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлик ва давлат хизматидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг жадал ривожланиши ва изчил мустаҳкамланиб боришига хизмат қилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат сўнггида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевга жорий йил 9 июнда бўладиган Қозоғистон Президенти сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎзА

## Ўзбекистон Президенти ХВЖ Бошқарувчи директорини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йилнинг сентябрида Нью-Йорк шаҳрида ва жорий йил апрель ойида Пекин шаҳрида ўтган икки томонлама музокаралар самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга хизмат қилгани таъкидланди.

Бугунги кунда жамғарма мамлакатимизда илғор халқаро тажриба ва билимлар асосида кенг миқёсли ислоҳот ва янгиланишлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим шериклардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Кейинги икки йилда жамғармадан жалб этилган техник кўмак ҳажми сезиларли даражада ортди: мамлакатимизга ХВЖнинг 14 миссияси ташриф буюрди, солиқ ва молия соҳалари бўйича етакчи халқаро консультант ва экспертлар жалб этилди.

Жамғарма кўмагида Ўзбекистон ХВЖ статистика маълумотлари тарқатишнинг умумий тизимига қўшилди, Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунларнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди, янги Солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги концепцияси ва бошқалар жорий этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармасининг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, монетар сиёсатнинг самарали воситаларини жорий этиш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бошқа йўналишларда фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, ХВЖ бошқарувчи директори Ўзбекистонга ташриф билан келиш таклифи ҳамда самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Кристин Лагард жамғарма мамлакатимизда барча тармоқ ва йўналишларни қамраб олган ҳолда фаол амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолашини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ва ўзаро ишончни ошириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимизда самарали ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашишни давом эттиришга тайёр эканини тасдиқлади.

ЎзА




## "Адолат" кубоги ғолиблари тақдирланди

МУСОБАҚА

Жорий йилнинг 17 май куни Республика олимпия захиралари мактаб-интернатида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида белбоғли кураш бўйича "Адолат" кубоги мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.

Мазкур мусобақа давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусини рўёбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бақувват ва баркамол қилиб тарбиялаш, спортчи ёшларни миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда белбоғли кураш спорт турини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари ва депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари, Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси вакиллари, ушбу беллашувнинг ҳудудий босқичлари ғолиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда спортни ривожлантириш, ёшларни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро мусобақалар, олимпиадаларда спортчиларимиз ютуқларга эришиб, Ватанимиз шарафини улуғлаб келмоқда.

— Кейинги икки йил давомида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига доир қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди, — деди партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида мамлакатимизда спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият бериш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш кераклиги алоҳида таъкидланган.

Партиямиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. "Адолат" кубоги мусобақаларининг ўтказилиши эса ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқди, деб ўйлаймиз.

3-БЕТ

БУГУННИНГ ГАПИ




## ГАЗЕТАЛАР инқирозга юз тутадими?

Ҳар йили куз фасли аграр соҳа вакилларига йиллик ҳосилни йиғиб олиш даври бўлганидек октябрь, ноябрь, декабрь ойлари оммавий ахборот воситаларининг босма маҳсулотлар — газета ва журналлар таҳририятлари учун кейинги йилга даромад тўплаш даври ҳисобланади. Обуна деб аталадиган бу жараёнда таҳририятлар фаол қатнашадилар. Обуна жараёни ҳам ўзига хос ўтади. Илгарилари етти-саккизта газета-журналларга обуна давлат, ҳукумат доирасида ташкил этилар, улар номлари битилган расмий рўйхат жойларга юборилларди.

7-БЕТ

ЙИҒИЛИШ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, партия ҳудудий кенгашлари раислари, Марказий аппарат масъул ходимлари иштирок этишди.

## Сарҳисоб: ТАНҚИДДАН СЎНГ ФАОЛЛИК КУЧАЯДИМИ?

Танқидий руҳда бўлиб ўтган йиғилишда 2019 йилнинг биринчи чорагида партиянинг барча даражадаги тузилмалари ва депутатлик корпуси томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, шу билан бирга, фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгашининг жорий йил 7 февраль куни бўлиб ўтган пленумида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда партия фаолиятига доир масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Ишанкуловнинг ахбороти тингланди.

— Жорий йилнинг биринчи чораги якунлари ҳамда партия Марказий аппарати масъул ходимларининг 14 та ҳудудий кенгашлар ва 194 та туман, шаҳарлар ташкилотларида ўтказган ўрганишларида барча кенгашлар ҳам бугунги кун талаби бўйича ишламаётгани маълум бўлди, — деди Ф.Ишанкулов. — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий партия кенгашлари фаолиятида бир қатор камчиликлар мавжуд.

Масъул ходимлар томонидан туман, шаҳар кенгашларининг номенклатура йўриқномаси бўйича иш юритиш ва партиявий топшириқларни ижро этишда Фарғона вилоятининг 10 та тумани, Андижон вилоятининг 5 та, Навоий, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бирида 4 тадан, Хоразм вилоятининг 3 та, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 2 тадан туман, шаҳар партия кенгашлари фаолиятида сусткашликка йўл қўйилгани қайд этилди.

2-БЕТ

# Ҳудудларда ислоҳотларни бир хил суръатда амалга ошириш, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиш — асосий мақсадимиз

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Президентимиз вилоят аҳолиси ўсиб бораётгани яна кўплаб уйлар қуриш ва қўшимча иш ўринлари очиш, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этишни талаб қилишини, демак, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб иш юритиши зарурлигини таъкидлади.

Қанчалик оғир бўлмасин, ислоҳотларни барча жойда бир хил олиб бориш қийин. Чекка жойларни қўйиб туринг, ҳатто вилоят марказларида ҳам ҳанузгача шўро даври манзарасини берадиган маҳаллалар, кўчалар учрайди.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласини ҳам ўз номига монанд деб бўлмайди. Бу ерда ачинарли аҳволда яшаётган оилалар учун Хўжаобод тумани Хидирша массивидан 54 гектар ер ажратилиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласи барпо этилаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Давлатимиз раҳбари 16 май куни янги маҳаллада бўлиб, бу ерга кўчиб келаётган оилалар учун яратилган шароит билан танишган, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев 17 май куни Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди.

5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган бу маҳалла ҳеч қандай шароит йўқлиги боис, шаҳарнинг оғриқ нуқталаридан бирига айланиб қолган эди. Кўчаларга машина сиғмайди, қаерга қараманг торлик, пастқамлик, захлик, қўланса ҳидга чидаб бўлмайди. Қачондир муқаррар кўчиш кайфиятидаги одамлар ҳатто девор, дарвоза, эшик-ромларни бўяшга ҳафсала қилмайди, ўт-ўлан қовжираган ҳовлисига қарамайди.

Президентимиз эски барак шаклидаги ҳовлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Бундай шароитда кун кечиришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, болалар шу шароитда яшаб келаётгани аянчлидир. Андижонда ер масаласи жуда оғир. Бу ерга келишимиздан мақсад одамлар турмуши билан танишиш, ҳамма оилалар учун яхши шароит яратиб бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла вакиллари баҳаво адирликдан жой ажратилиб, барча шароитлари мавжуд уй-жойлар қурилаётгани ва оилалар кўчирилаётганидан жуда мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Аввал маълум қилинганидек, Мустақиллик маҳалласи ўрнида, Бобуршоҳ, Амир Темур ва Навоий шоҳкўчаларининг кесишмасида "Andijon city" ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Президентимиз бу қурилишда ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

Худди "Toshkent city"даги сингари бу ерда ҳам уйлар ва офислар савдоси билан шуғулланувчи кўргазма ташкил этиш зарур. Одамлар келиб кўрсин, шунда қизиқиши ортади. Бу шаҳарча яна икки йилдан сўнг Андижоннинг кўз-кўз қиладиган жойи бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда таунхаус услубидаги массивлар қурилиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Президент таклифи билан Андижон вилоятида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб масалалардан бўлгани боис, биринчи бўлиб шу ҳудудда бундай уйларни қуришни бошлаш режалаштирилмоқда.

"Qorako'l stroy engineering" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 7,5 гектар ерда 108 та таунхаус услубидаги уй, 9 та 5 хонали ва яна шунча 3 хонали коттежлар, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади.

Энг муҳими, ушбу массив ўзининг сувни тозалаш, канализация иншооти, сув иситиш станцияси, кичик электр станцияси, қуёш электр станцияларига эга бўлади. Яъни таунхаус уйлари ўзини ўзи тоза ичимлик суви, электр, иссиқлик билан таъминлайди. Уларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилади.

Тақдимот чоғида таунхаус уйлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Бу уйлар — келажак уйлари. Қишлоқ уйлари қаерда қурилишидан қатъий назар, энди камчиқим бўлади, ҳам одамларга шаҳардагидай шароит яратилади. Шунинг ҳисобига бу уйлар нархи ҳозиргилари билан тенг, аммо комплекс шароитга эга бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва ижод мактабида бўлди.

Муҳаммад Юсуф халқнинг дарди, қалбидаги қувончу шодликлар, она юртга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини содда ва гўзал мисралар орқали тараннум этган ўзига хос ижодкор эди. Унинг асарлари минглаб қалбларга бахт ва қувонч туйғуси, самимият ва беғуборлик, маънавий гўзаллик улашаётир. Шоир ижодини ўрганиш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг янги қирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш таклифини илгари сурган эди. Шу асосда 2017 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг бюсти ўрнатилган хиёбонни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Андижон шаҳрининг Амир Темур кўчасида шоир номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоирнинг бюсти ўрнатилган хиёбон барпо этилди. Бугун мазкур мактабда 150 нафар иқтидорли йигит-қиз таълим олмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шоҳруҳбек Ўрозов томонидан яратилган бюст ва икки фаввора, манзарали гул ва дарахт кўчатлари ўтқазилган хиёбон Андижон шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб, ёш ижодкорлар тўпланадиган адабий-бадиий масканларидан бирига айланган.

Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти, мактабда ўқиган кезлари фойдаланган ўқув қуроллари, суратлар жой олган музейда бўлди. Ўқувчилар шоир шеърлари ва ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Муҳаммад Юсуф халқчил шоир эди. У қисқа умри давомида катта маънавий мерос қолдириб кетди. Ватан ҳақида содда тил билан ёзган самимий шеърлари доимо қалбимизда сақланиб қолади. Энг катта бойлик — бу маънавий бойликдир. Шунинг учун ёшларимиз доимо ўқиши, изланиши лозим. Ҳамма нарса ўткинчи. Лекин билим ҳеч қачон йўқолмайди. Билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун сизлар ўқиш, изланишдан тўхтамаслигингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мактаб-интернат ўқувчилари учун автобус ажратиш, бошқа вилоятлардаги ижод мактабларига бориб, тенгдошлари билан мулоқот қилишига кўмаклашиш, вилоят телевидениесида ўқувчилар иштирокида кўрсатувлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

**ЎзА**





## Сарҳисоб:

# ТАНҚИДДАН СЎНГ ФАОЛЛИК КУЧАЯДИМИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидаги, айниқса, халқ депутатлари туман Кенгашларида партия депутатларининг масъулияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг партия тузилмалари билан янада яқин алоқада ишлашини таъминлаш ҳақида тўхталиб ўтилди. Хусусан, партия депутатлари ташаббуси билан жорий йилнинг 1-чорагида партия депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларида 72 та, доимий комиссияларда 107 та масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бунда, айниқса, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоят кенгашлари фаоллик кўрсатган бўлса, халқ депутатлари Сурхондарё, Фарғона вилоятлари Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли Кенгаш сессияларига бирорта ҳам масала киритилмаган.

Шунингдек, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови киритиш ваколатидан ҳам айрим депутатлар унумли фойдалана олмаяпти. Айрим ҳудудларда мутасадди ташкилотлар, мансабдор шахсларнинг депутатлик сўровига эътиборсизлик билан қараётгани ҳам салбий таъсир қилмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги сафдошларимизнинг эса депутатлик сўрови киритишга доир ишларида бир қатор камчиликлар мавжуд.

— Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та ташаббуси бўйича юртимиз бўйлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди партия Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири Гулруҳ Агзамова. — Ҳудудий кенгашларимиз фаолиятида мазкур ташаббуслардан бири бўлган хотин-қизлар бандлиги, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва уларни спортга жалб этиш йўналишларида амалий тадбирларнинг миқдор ва сифат даражаси, самараси қониқарли эмас. Беш ташаббусни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигини назарда тутган ҳолда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг XI пленуми қарори асосида партия тизимида "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси амалиётга жорий қилинди. Лойиҳа доирасида ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) ташкилоти бир нафар фуқарони ишга жойлаштиришга кўмаклашиши, натижада ҳар ойда партия ташаббуси билан 200 га яқин фуқаро иш билан таъминланиши кўзда тутилган эди. Аммо мазкур лойиҳа бўйича ҳудудлардаги барча ташкилотларимиз ҳам бирдек ишлаяпти, дея олмаймиз. Бунда Хоразм, Бухоро ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари фаоллик кўрсатаётган бўлса, қолган ҳудудларда бу масалага етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Йиғилишда ҳудудий кенгашлар томонидан партиявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Партиянинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида ҳар ҳафтанинг чоршанба куни маҳаллаларга ташриф буюриб, мавжуд муаммоларни, қонунлар ижросини ўрганиш ва аҳолини қийнаётган масалаларга депутатлар иштирокида ечим топиш вазифаси белгиланган эди.

Шу мақсадда партия ташкилотларининг ишчи гуруҳлари 2019 йил биринчи чораги давомида 1767 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 30572 та хонадон ва хўжалик юритувчи субъектларда ўрганишлар олиб боришди. Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан 3543 та мурожаат келиб тушиб, уларда қайд этилган масалалар юзасидан 806 та мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Натижада 262 та муаммо ўз ижобий ечимини топди. 2500 га яқин мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди.

Афсуски, бу борада Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашлари фаолияти талаб даражасида эмас.

Партиянинг "Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш — демократик жамият пойдевори" лойиҳаси мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бўлиб, қонунларнинг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда фуқароларга тушунтириб, айниқса, ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш кўзда тутилган. Мажлисда мазкур лойиҳа доирасидаги фаолият таҳлил этилиб, бу борада тарғибот ишларини суст олиб борган ҳудудий ташкилотлар фаолияти қониқарсиз, деб топилди.

Партия Ижроия қўмитаси йиғилишида жорий йил — сайловлар йили эканини инобатга олган ҳолда партиянинг ҳудудий кенгашлари олдида турган бир қатор вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, ҳудудий партия кенгашларидаги мавжуд вакант ўринларни сиёсий билими етук, ташаббускор кадрлар билан тўлдириш, партия лойиҳалари доирасида амалий ишларни кўпайтиришга доир топшириқлар берилди.

Шунингдек, таҳлиллардан келиб чиқиб, ҳудудий ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ташкилотларимиз жойлашган биноларни таъмирлаш ва шу каби бошқа бир қатор ишлар жорий йилнинг 1 июнь санасигача қадар якунига етказиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда партия фаолиятига оид бошқа бир қатор муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорлари қабул қилинди.

**Баҳром БУРҲОНИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари**

# Ёшларда толерантлик

## АНЖУМАН

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда ўтказилган 28-сессиясида қабул қилинган "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси" дунёда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини кафолатлаш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлида хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари аҳилиноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси билан ҳамкорликда "Талаба-ёшларда толерантлик дунёқарашини шакллантиришнинг инновацион усуллари" мавзусидаги бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Наримон Умаров, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Б.Очилов ва бошқалар мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ижтимо



ий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этишди.

*— Таъкидлаш лозимки, бугун дунёда тинчликни сақлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, баъзида энг қудратли қурол ҳам барқарорликни кафолатлай олмай қолиши мумкин. Негаки, бугун бузғунчи кучлар очиқ кураш усулидан кўра, мафкуравий ҳужумлардан фойдаланишни афзал кўрмоқда,* — деди **Наримон Умаров.** — *Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сайёранинг барча аҳолисини бағрикенгликка ва диний эркинликни таъминлашга, жаҳолатга барҳам беришга қаратилган ҳужжат қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди.*

2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциянинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.

Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик ва эътиқодларни ҳурмат қилиш, бағрикенглик ва тинчликни сақлашни рағбатлантириш, глобал мулоқотга

# "Адолат" кубоги ғолиблари тақдирланди

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мазкур спорт тури билан кўплаб ёшларимиз мунтазам шуғулланмоқда. Азал-азалдан турли сайилларда, тўй ва бошқа тадбирларда бир-биридан қизиқарли беллашувлар ўтказилган. Бу беллашувларда кураги ерга тегмаган полвонларимиз юртимиз довруғини дунёга танитганлар. Узоқ тарихга эга бўлган белбоғли кураш ўзбек полвонларининг маҳорати, матонатини намоён этиб келади.

Белбоғли кураш спорт турини кенг тарғиб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларда мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтиришда партия депутатлари Ўзбекистон белбоғли кураш федерациясининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда жойларда сайловчилар ҳамда ёшлар билан ўтказаётган учрашувлар, мусобақалар амалий аҳамият касб этмоқда.




Мамлакатимиз келажагини соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисобловчи Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида жорий йилнинг март-апрель ойларида белбоғли кураш бўйича "Адолат" кубоги мусобақасининг туман, шаҳар ва ҳудудий босқичлари очиқлик, ошкоралик, рақобат мезонлари асосида ўтказилди.

136 та туман, шаҳарларда ўтказилган саралаш ҳамда ҳудудий босқичлардаги беллашувларда 7 500 нафардан ортиқ ёш полвонлар иштирок этишди.

Мусобақанинг республика босқичида ҳудудларда ғолибликни қўлга киритган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри қатнашчилари — 2000, 2001 ҳамда 2002 йилда туғилган ўғил болалар 6 вазн тоифасида (55, 60, 65, 71, 77, 83 кг. вазн тоифасида) 80 дан ошиқ энг сара полвонлар ўзаро куч синашди.

Халқимиз ўртасида ҳалоллик, мардлик, жасорат намунаси ҳисобланиб, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган мазкур спорт тури бўйича беллашувлар бошланишидан аввал Президентимизнинг 5 ташаббусига ҳамоҳанг равишда санъат усталарининг бадиий чиқишлари мусобақа иштирокчилари ва томошабинларни хушнуд этди. Шунингдек, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида бадиий ҳамда ҳуқуқий адабиётлар ярмаркаси ташкил этилди.

Кўтаринки руҳда бошланган мусобақа қизиқарли ва муросасиз беллашувларга бой бўлди. Бир-биридан маҳоратли полвонлар баҳсида кучлилар орасидан энг кучлилар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.



Якуний натижаларга кўра, энг кўп совринли ўринларни эгаллаган Андижон вилояти жамоаси умумжамоа ҳисобида "Адолат" кубоги республика мусобақаси ғолиби бўлди. Мусобақада Тошкент шаҳридан Ҳасан Азимов (55 кг.), Андижон вилоятидан Ойбек Султонов (60 кг.), Нусратбек Султонбоев (65 кг.) ва Рўзиохун Рўзиохунов (71 кг.), Фарғона вилоятидан Раҳматилла Анваржонов (77 кг.), Тошкент шаҳридан Нодир Аҳаджонов (83 кг.) 1-ўринга сазовор бўлишди  Мазкур вазн тоифаларида Камронбек Ортиқов (Андижон), Жаҳонгир Ҳаитов (Наманган), Холмирза Ҳасанбоев, Шаҳзод Мирзаёров (Тошкент шаҳри), Мангуберди Имянов, Сардор Тўлаев (Тошкент вилояти) иккинчи ўринни  эгаллаган бўлса, ҳар бир вазн тоифасида икки нафардан иштирокчи 3-ўринга лойиқ топилиб, ғолиблар сафидан жой олишди.

— Узоқ йиллик тарихга эга белбоғли кураш спорт тури бугун нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам ўз мухлисларига эга бўлиб бормоқда, — дейди  Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастиров. — Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси Бирлашган кураш оламининг (UWW) ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. Мазкур ташкилотнинг дастур-режасига мувофиқ жаҳон чемпионатлари ва кубок мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур мусобақа юқори савияда ўтказилгани билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу беллашув жорий йилнинг 18-21 июнь куни Олмалиқ шаҳри мезбонлик қиладиган, ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан терма жамоа аъзоларига номзодларни яна бир бор саралаб олиш имкониятини берди.

Ғолиблар мусобақа ташкилотчилари томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлган Андижон вилояти жамоасига "Адолат" кубоги топширилди.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**
**журналист**





## СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

**Муҳиддин АШУРОВ,**
**Андижон олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг белбоғли кураш бўйича мураббийси:**

— Мусобақа ёш полвонларнинг миллий спорт турига чексиз меҳр қўйганини, халқимизнинг анъаналарини юксак қадрлашини ҳам кўрсатди. Шогирдларимнинг барчаси совриндорлар қаторидан ўрин олганидан беҳад қувондим, уларнинг бу ютуқлари туфайли умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлдик.

Вилоятимизнинг ўзида 6000 мингдан ортиқ ёшлар ушбу спорт турига ошно бўлишган. Андижонда белбоғли кураш бўйича ўзига хос мактаб яратилган, деб бемалол айта оламиз. Вилоятимиз жамоаси Ўзбекистон кубоги ва мусобақаларида доим олдинги ўринларни эгаллаб келишади.  2017 йилда Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида ҳам 5 нафар шогирдимиз қатнашиб, 2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза медаллар билан тақдирланишган эди.

Авваллари белбоғли кураш асосан, тўй-ҳашам, сайилларда ташкил этилган бўлса, кейинги 10 йил давомида бу миллий спорт тури бўйича мусобақалар сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ошди, халқаро нуфузга эга бўлди.

Ушбу мусобақа ҳам ёш курашчиларимиз учун ўз кучларини синовдан ўтказиб олиш имкониятини ҳамда жорий йил бўлиб ўтадиган ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мусобақаси олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

**Раҳматилла АНВАРЖОНОВ,**
**Фарғона вилояти иштирокчиси, 1-ўрин соҳиби:**

— Инсон ўзини бахтли ҳис этиши учун соғлом ва фаол ҳаёт кечириши керак. Бунда эса спорт билан шуғулланишнинг ўрни ва аҳамияти катта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жисмоний ҳаракатлар бир пайтнинг ўзида мия фаолиятини ҳам яхшилар экан.

Спорт инсонни жисмонан чиниқтиради. Юртимизнинг чекка жойларида ҳам спорт комплекслари барпо этилаётгани, айниқса, спортсеварлар учун айни муддао бўлмоқда. Спорт иншоотлари, ўйингоҳлар ёшлар билан гавжум бўлаётгани бежиз эмас. Ўзим ҳам Бувайда туманининг "Отхона" қишлоғида биринчи мураббийим Нуриддин Махаматовдан кураш сирларини ўргана бошлаганман.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган "Адолат" кубоги мусобақасининг қуйи босқичларида яхши натижаларга эришиб, республика босқичида ҳам совринли ўринларни эгаллашга интилдик, бу аслида ҳар бир иштиркчининг мақсади эди, албатта. Фарғона водийсида ҳам азалдан ота-боболаримиз davраларда ҳалол бел олишиб, одамларнинг меҳри ва ҳурматига сазовор бўлишган. Гиламда рақибларнинг бир-бирига дўстона муносабати полвонларнинг бу спорт турига нисбатан ҳурмати ва садоқатини ифодалаб келади. Ҳар бир курашчи буни яхши тушунади ва чуқур ҳис қилади.

"Адолат" кубогида муваффақиятли қатнашдик. Биринчи мураббийим ва Фарғона олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаб-интернатидаги устозларимиз — Зоҳиджон Исмоилов, Шерзодбек Раҳимовдан олган сабоқларим ўз натижасини берди. Ўйлайманки, ушбу мусобақа бизларни халқаро мусобақаларда, хусусан, жорий йилда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этишимизда ижобий аҳамият касб этади

Мамлакатимизда ёшларга, спортга берилаётган эътибор туфайли олис қишлоқда, оддий ҳайдовчи ва ўқитувчи оиласида вояга етган мен каби ёшлар дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, жаҳон ареналарида беллашиш  имкониятига эга бўлмоқдамиз. Бу имкониятларга муносиб жавоб бериш учун янада шижоат ва Ватанга садоқат билан тинимсиз ҳаракат қилишимиз, маҳоратимизни оширишимиз талаб этилади.

**Суҳроб САЛИМОВ,**
**Бухоро вилояти иштирокчиси, учинчи ўрин соҳиби:**

— Спорт инсон саломатлигини мустаҳкамловчи энг муҳим омилдир. Белбоғли кураш спорт тури билан мактаб ёшидан шуғулланиб келаман. Тўғри, бир-биридан кучли, бақувват тенгдошларим билан майдонга тушиш мен учун осон кечмаган. Қайсидир мусобақада ғолиб бўлган бўлсам, қайси бирида мағлуб бўлганман. Бу эса мени доим олдинга интилиб, ўз устимда янада жиддийроқ ишлашимга туртки берди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан "Адолат" кубоги учун белбоғли кураш спорт мусобақасининг ташкил этилганлиги мен сингари барча спортчи дўстларимнинг қизиқиши ва интилишини оширди. Албатта, мусобақанинг дастлабки босқичлари ҳам осон кечмади. Айниқса, вилоят босқичида 100 га яқин спортчилар фаол иштирок этганлиги боис баҳслар қизғин кечди. Бир сўз билан айтганда, ушбу мусобақа барчамизнинг ўзимизга нисбатан ишончимизни оширди, белбоғли курашнинг нозик қирраларини қайта кашф этишимизга имкон яратди.

## КОНФЕРЕНЦИЯ

15 май — Халқаро оила куни муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан республика ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситаларида оила мавзусини ёритишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## БАХТЛИ ОИЛА — жамият таянчи

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли муассасалар, халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Конференцияда оила мавзусини ёритишга журналист масъулият билан ёндашиши, оила шаънини сақлаш масалаларига эътибор қаратиш, журналист этикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Республикамизда 8 398 924  оила истиқомат қилишининг ўзиёқ мамлакатимизда оила тушунчасининг нақадар юксаклиги ва муқаддаслигини кўрсатади. Шундан 2 604 545 нафари ёш оилалардир, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори, сенатор Дилором Тошмуҳаммедова. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, оила ва инсон тақдири билан боғлиқ масалаларини ёритишда ҳар бир журналист холислик принципларига амал қилиши, ҳис-ҳаяжонга берилиб, оила шаънига доғ тушишига йўл қўймаслиги, унда камол топаётган фарзандлар тақдирини ҳамиша диққат-эътибордан қочирмаслиги муҳим ва долзарб масаладир. Айниқса, жамиятимизда кам бўлса ҳам учраётган ўз жонига қасд қилиш масалаларини матбуотга олиб чиқиш орқали бир оиланинг шаъни топталишига дахлдор салбий ҳолатларга йўл қўймаслик лозим. Яъни, бир бахтсизликнинг яна бир бахтсизликни келтириб чиқаришидан эҳтиёт бўлиш керак. Барчамизга кундай равшанки, халқимиз ор-номусли, ориятли халқ. Шов-шовли мақола ёзиш иштиёқида бирор оила шаънининг поймол бўлишига сабаб бўлиш мақсадга мувофиқми?

Тадбир давомида оилалар мустаҳкамлиги, улардаги гўзал қадриятлар устуворлигини ифодаловчи ижтимоий роликлар билан бирга баъзи муаммолар ҳамда жиноятлар ёритилган ахборот таҳлилий кўрсатувлар намойиш қилиниб, улар ҳуқуқий ва журналистик нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

Илмий тадқиқотчиларнинг, психологларнинг фикрича, телевидение ва ОАВида жамиятдаги оилавий муаммоларга кўп эътибор қаратиш, ёритиш, яъни ўз жонига қасд қилиш каби ожизликларни оммага ошкор этиш айрим ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас, ўз ҳаётидаги оддий муаммонинг ечимини шу йўл билан ҳал этишга бўлган иштиёқни кучайтириши мумкин.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда миллий қадриятларга асосланган замонавий оилаларни мустаҳкамлаш масаласи бўйича бир қанча амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари билан танишдилар. Амалий ишлар натижасида 3859 та ажрашиш мақсадида судга мурожаат қилган ва 30 мингдан ортиқ шу мақсаддаги оилалар яраштирилган. Бу натижа шунча оиланинг аҳиллигини таъминлаш билан бирга, 43 минг 229 нафар болаларни отасиз ёки онасиз ўсишдан асраш, уларнинг келажаги ёрқин бўлишига эришилганидан далолат беради.

**Саодат РАҲИМОВА,**
**"Adolat" мухбири**

# миллий қадриятларимиз асосида ривожлантирилади

кўмаклашишга доир халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга ундашини қайд этиш лозим. Чунки бугун ҳаётнинг ўзи барча миллат ва элатлар яхлит бир бутунликда, яъни бағрикенглик ва инсонийлик ғоялари остида бирлашишини тақозо қилмоқда. Буни жаҳонда юз бераётган турли зиддиятлар, низолар, тортишувлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Конференцияда алоҳида қайд этилганидек, бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилини қарор топтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга саналади.

Шу билан бирга, бу жиҳатлар мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний вазифаларга юксак эътибор қаратаётганини кўрсатади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Бағрикенглик бугун ёки кеча пайдо бўлган ҳодиса эмас. Бу фазилат асрлар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эга. Масалан, Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлар ҳаётини ёки темурийлар даврини олсак, маҳобатли иморатлар қурилишида турли миллат ва элат вакиллари қатнашганлиги тарих китобларидан  яхши маълум.*

*Ҳозирги кунда ҳам бағрикенгликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган. Барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун қонуний шароитлар яратилган. Юртимизда турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлаш диққат марказида бўлиб келмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига барча миллатларнинг ўзаро тенглигини таъминлаш мақсадида "миллий озчиликлар" атамаси атайлаб киритилмаган. Аксинча, 8-моддада Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, 18-моддада барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, деган қоида халқимизга хос фазилат бўлган бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир.

Конференция иштирокчилари қайд этганидек, бирдамлик, бағрикенглик социал-демократиянинг асосий шиорларидан биридир. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ўз Сайловолди дастурида барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги, тотувлиги ҳамда уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришни ўзининг бош мақсади сифатида белгилаб олган.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Ижтимоий фанлар" кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори:**

*— Шахсда бағрикенглик дунёқараши, энг аввало,  оилада, шунингдек, мактабгача тарбия муассасасидан бошлаб, мактаб, лицей, олий ўқув юртларида шакллантирилиб ва ривожлантирилиб борилади. Инсон дунёнинг, табиатнинг, маданиятлар, динларнинг, айни пайтда  миллатларнинг турлича эканлиги ва уларнинг ҳаммаси ҳурмат қилинишга муносиблигини чуқур идрок этиши учун, биринчи навбатда, ўз Ватани, халқи, унинг тили, дини,  азалий урф-одатлари, маданий ўзига хослигини тўла идрок эта олиши керак. Ана шундагина у бошқа халқлар, миллатлар, динлар, маданиятларга муносиб баҳо бериш, уларни ҳурмат қилиш ва қадрлашга қодир бўлади.*

Конференцияда Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги аҳил-иноқлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш йўлида олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар, амалий чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 140 га яқин миллий маданий марказлар фаолияти, уларнинг ўз она тили, миллати тарихи, қадриятлари ва маданиятини ўрганиш борасида амалга ошираётган кенг кўламли ишлар тўғрисида талаба ёшларга маълумот берилди.

Бугун республикамизнинг турфа хил маданиятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бири эканлиги ҳар бир ўзбекистонликка фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади. Кўпмиллатлилик ва кўпмаданиятлилик — бу бизнинг маънавий бойлигимиз десак, асло муболаға бўлмайди. Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиб, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиздан ҳар бири буни теран ҳис қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Мазкур мавзудаги тадбир ҳам айнан талаба ёшлар иштирокида ўтказилиши бежиз эмас. Чунки бой маънавий меросимиз, анъаналаримизни келажак авлодга асл ҳолатда етказувчилар ҳам  ёшлардир.

Анжуманда ёшларнинг толерант дунёқарашини шакллантиришда ижтимоий фанларнинг аҳамияти, бу борада оила институтининг роли, "Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик — мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим омили" каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Конференция доирасида Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини ўзида акс эттирган босма нашрлар намойиш қилиниб, турли халқларнинг амалий санъати дурдоналари кўргазмаси ташкил этилди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Матбуот хизмати**

# 14 лойиҳадан биттасига кредит ажратилди

## БУ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Бугунги кунда фуқаролар маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланган депутатларнинг амалий ишларига қизиқиш ва ишонч билдираётгани бежиз эмас. Бир пайтлар аҳоли ушбу вакиллик органлари депутатларининг фаолиятига деярли эътибор бермасди, депутатларнинг аксариятини танимасди ҳам. Бугун аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказиш депутатлар фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Депутатлар сайловчилар билан юзма-юз суҳбатлашиб, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларни ҳал этишга интилмоқда.



Халқ депутатлари Касби тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам аҳолини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, ҳудудни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чоралар кўришга ҳаракат қилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида партия депутатлари туманда "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастурининг ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган ушбу ўрганишларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда бир қатор ишлар қилинганлиги, шу билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Депутатлик гуруҳимиз йиғилишида "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг туман филиали раҳбари Нодир Амирқуловнинг ҳисоботи эшитилиб, мавзу юзасидан фикрлашиб олинди. Н.Амирқулов ўтган йили дастурга асосан 22 нафар ёш тадбиркорга 2126,2 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 60 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланганини қайд этди. 2019 йил учун эса 71 нафар ёш тадбиркорларга 14614,0 миллион сўм кредит ажратиш мақсадида манзилли рўйхат шакллантирилган бўлиб, натижада 538 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

"Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибига доир низом асосида туманда 2018 йилда "Yoshlar mehnat guzari" қуриш истагини билдирган 25 нафар ёш тадбиркорга туман ҳокими томонидан ер майдонлари ажратиб берилган.

АТ Халқ банки Касби филиали томонидан мазкур йўналишда кредит ажратиш бўйича қабул қилинган 14 лойиҳадан умумий суммаси 3842000000,00 сўмлик 7 фоизли кредитдан атиги битта лойиҳага — "Истамбул" хусусий корхонасига 200000000,00 сўм ажратилган. Бу сумма ҳам банк ҳисобидан. Йиғилишда шу ва бошқа камчиликлар, хусусан, ёш тадбиркорларга кредит ажратиш ишлари қониқарсиз эканлиги филиал раҳбарига уқтириб ўтилди.

Шунингдек, "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик" лойиҳаси доирасида депутатлик гуруҳимиз аъзолари, партия фаоллари ва мутасаддилар иштирокида туман умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ясситовонлик ва скалиоз касаллигини аниқлаш ҳамда олдини олиш борасидаги ишларни ўрганиш мақсадида тумандаги 1-, 2-, 9-, 24-МТМлар ҳамда 1-, 2-, 13-, 16-умумтаълим мактабларида бўлишди. Умумтаълим мактабларида уч нафар ўқувчи, мактабгача таълим муассасаларида эса бир нафар бола скалиоз касаллигига чалингани маълум бўлди. Ясситовонлик касаллигига чалинган болалар сони эса умумтаълим мактабларида 4 нафар, мактабгача таълим муассасаларида 8 нафар экани аниқланди. Шунга қарамай, ҳанузгача мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларида ясситовонлик ва скалиоз касалликларининг олдини олиш бўйича махсус машқлар ва махсус йўлакчалар ташкил этилмаган.

Бу каби камчиликлар депутатлик гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама этилди, мутасадди ташкилотларнинг бу борада ўз олдига қўйган вазифалари ижроси бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

Партия депутатлари маҳаллалар, аҳоли хонадонларида бўлиб, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этишмоқда. Жумладан, "Жизза" маҳалласидаги мулоқот чоғида фуқаролар ички йўллар носоз ҳолга келиб қолганидан шикоят қилишган эди. Бу масалага мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратдик. Натижада маҳалланинг ички йўлларини таъмирлашга доир вазифалар манзилли дастурга киритилди ва жорий йилнинг иккинчи чорагида бу ишлар амалга ошадиган бўлди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзоси Замира Қудратова "Таллиюлғун" қишлоғи аҳолиси билан очиқ мулоқотлардан сўнг фуқаролардан Б.Сатторовга паррандачиликни йўлга қўйиши учун 3 миллион сўм, О.Азимовга тикувчилик ва касаначиликни ривожлантириш учун АТБ "Агробанк" Касби филиалидан 10 миллион сўм кредит олишида амалий ёрдам кўрсатди. Қишлоқ аҳолисини қийнаб келаётган бошқа муаммолар ҳам депутатларимиз иштирокида бартараф этилмоқда.

Депутатлик гуруҳимиз аъзоси Рустам Аллабердиевнинг саъй-ҳаракати туфайли "Оқжангал" қишлоғининг "Олтин қум" кўчасидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган электр симёғоч янгисига алмаштирилди.

Р.Аллабердиев ташаббуси билан "Муғлон" қишлоғида яшовчи фуқаро Р.Эминова АТБ "Агробанк" Касби филиалидан 10 миллион сўм кредит билан таъминланди. Р.Эминова мазкур кредит эвазига тикув машинаси харид қилиб, ўз иш ўрнига эга бўлганини депутатлик гуруҳимизга маълум қилди.

Фуқароларнинг доимий ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳам депутатларнинг диққат марказида бўлмоқда. Депутатлик гуруҳимиз ёрдамида "Қатағон" қишлоғида яшовчи фуқаро Садоқат Тўхтаниёзова туманимиздаги 4-ҚОПга патронаж ҳамшира сифатида ишга жойлашди. Шу қишлоқда умргузаронлик қилаётган Ғайрат Хидиров ва Рўзимурод Эргашев депутат Садин Аширов кўмаги билан иссиқхона қуриш учун АТБ "Агробанк" Касби филиалидан 16 миллион сўм кредит билан таъминланди.

Ҳар бир фуқаронинг иш билан бандлиги унинг оиласи, яқинлари учун ҳаётий аҳамиятга эга. Муҳими, шу орқали жамиятнинг асосий бўғини саналган оилалар фаровонлиги таъминланади.

**Аббос ҲАСАНОВ,**
**халқ депутатлари Касби тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари**

---

Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари партиямизнинг бир қатор лойиҳалари асосида ўз сайлов округларида муайян ишларни амалга оширмоқда.

# ТАШАББУС: маҳаллада қурилган кутубхонага 2000 та китоб туҳфа этилди

Хусусан, шаҳар ҳудудидаги "Ўриказор" қишлоғида депутатлик гуруҳи ташаббуси билан янги кутубхона фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу зиё масканига партия депутатлари ва ҳомийлар томонидан 2000 дона китоб туҳфа этилди.

Маҳалла фаолларининг фикрича, аҳолининг яшаш жойи яқинида кутубхона ишлаб турса, бу бебаҳо имконият барчага татийди. Маҳалла аҳли бир-биридан ибрат олиб, китоб дурдоналаридан баҳраманд бўлади. Буни янги кутубхона гавжум бўлаётганидан ҳам англаш мумкин.



Очиқ мулоқотлар чоғида депутатлик **гуруҳи раҳбари Дилором Меҳмонова**га "Зебуннисо" МФЙда яшовчи фуқаролар болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси барпо этишга эҳтиёж борлигини айтишди. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари натижа берди. Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар кўмагида "Зебуннисо" МФЙ ҳудудида 3 та болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси қад ростлади.

Ушбу маҳаллада яшовчи 30 нафар хотин-қизлар ҳам депутат ёрдами билан шаҳардаги кичик саноат зонасида фаолият олиб бораётган корхоналарга ишга жойлашдилар. Шунингдек, ҳозирда тадбиркор бўлишни истаган 56 та хотин-қизлар рўйхати депутат Д.Меҳмонова бошчилигида шакллантирилди, эндиликда уларга Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жамоат фондидан 3 йил муддатга 8 фоизлик кредит ажратилиши режалаштирилди. Хусусан, Маҳбуба Султонова, Мунирахон Қаюмова иссиқхона қуриш учун 10 миллион сўмдан, Шоирахон Қамбарова эса тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйиш учун 25 миллион сўм миқдорида кредит олиш истагини билдиришган.

— Имтиёзли кредит олиш учун керакли ҳужжатларни тайёрладик, — дейди Маҳбуба Султонова. — Иссиқхона ташкил қилиб, у ерда бодринг, помидор ва турли кўкатларни етиштириш ниятидамиз. Ҳалол меҳнатимиз орқали оиламиз даромадини кўпайтирамиз.

Партия депутатлари шаҳарнинг "Фурқат" кўчасидаги хонадонларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг мурожаатини ўргангач, ички йўлнинг 2 километрлик қисми асфальтланди.

**Депутат Ўғилой Каримова**га "Полмон" МФЙда яшовчи кам таъминланган фуқаро Сардор Ғафуров уй-жойга эҳтиёжи борлиги ҳақида мурожаат қилди. Тез орада Сардор Ғафуровнинг оиласи шаҳардаги эҳтиёжманд оилалар учун берилаётган хонадонлардан бирига ҳеч қандай тўловларсиз эга бўлди. Жамила Пўлатованинг эшитиш ускунаси борасида депутатга мурожаати ҳам ижобий ечим топди. Унга ҳомийлар кўмагида эшитиш ускунаси олиб берилди. "Полмон" МФЙга қарашли "Носиробод" қишлоғида яшовчи Ашурали Қаҳҳоровнинг мурожаатига кўра, унинг уйи ҳомийлар кўмагида қайта таъмирланди.

— Иш масаласида ёрдам сўраб депутат Ў.Каримовага қилган мурожаатим ижобий ечим топди, — дейди фуқаро Хосиятхон Сойипова. — Уч фарзандим билан моддий жиҳатдан қийналаётган эдим. Ниҳоят, жорий йилнинг январь ойида шаҳардаги "Кварс" АЖга ишга жойлашдим.

Рустам Ғафуров нафақа ёшида. У ҳам таъмирга муҳтож уйида 3 та оила яшаётганини айтиб, депутатдан ёрдам сўради. Ҳомийлар кўмагида 12 миллион сўм маблағ эвазига унинг уйи қайта таъмирланиб, яшаш учун қулайлик яратилди.

Шаҳар партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи аъзоларидан иборат ишчи гуруҳининг ўрганишларида 2-умумтаълим мактабининг ошхонаси белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди, партия фаолларининг ташаббуси билан ҳозирги кунда ҳомийлар кўмагида мактаб ошхонаси қайта таъмирланмоқда.

**Депутатлик гуруҳи аъзоси Зулфия Артиқова**га тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида фуқаролар Раҳимжон ва Равшанжон Содиқов мурожаат қилиб, экин майдони учун ер ажратилиши борасида амалий кўмак сўради. З.Артиқова мутасадди ташкилотлар билан иш олиб боргач, айни пайтда тадбиркорлар томонидан шаҳардаги "Дўстлик" кўчасида фойдаланилмай турган ернинг 0,5 га майдонида иссиқхона ташкил этилди ва 5 та янги иш ўрни яратилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Зулфия Артиқованинг таъкидлашича, ҳар ойнинг 1-, 2-шанбасида депутат қабуллари ўтказилмоқда. Аҳолидан асосан ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, йўлларни таъмирлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, моддий ёрдам, иш билан таъминлашга доир масалаларда мурожаатлар келиб тушмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этишда мутасадди ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинмоқда.

**Нурбек МИРЗАЕВ,**
**Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

---

# СЎРОВЛАРГА вақтида жавоб берилиши шарт

Халқ депутатлари Асака тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳининг 2018 йилдаги иш фаолияти якунига бағишланган йиғилишда ҳудудда партия депутатларининг фаолияти танқидий баҳоланган эди. Таҳлил ва хулосалардан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳи аъзолари фаолиятини кучайтиришга, амалий ишларга киришди.



Улар ҳар ҳафтанинг бир кунини "Депутат ва сайловчи" шиори остида ўз сайлов ҳудудларида ўтказмоқда. Бу мавжуд муаммоларни ўрганиш баробарида сайловчиларнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, мутасадди ташкилот ва муассасаларга йилнинг ўтган даврида 18 та депутатлик сўрови чиқарилди. Шундан 16 таси ижобий ечим топган бўлса, 2 тасига ҳамон жавоб кутилмоқда.

Хусусан, **18-Маркаюз сайлов округидан сайланган депутат Феруза Мадиярова 45 нафар сайловчини қабул қилиш баробарида, масъул ташкилотлар раҳбарларига 8 та депутатлик сўрови киритди.**

*Туманда эндокринологик касалликка чалинган беморлар ётиб даволанишлари учун имконият йўқ. Айни шу масалани ўрганиб, депутат туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида алоҳида бўлим очиш таклифи билан чиқди. Натижада 20 ўринли даволаш бўлими ташкил этилди.*

**Жой масаласи ҳал бўлгач, таъмирлаш ва керакли дори-дармонлар борасида муаммо юзага келди. Бу масалада туман молия бўлимига шу йилнинг 1 март куни депутатлик сўрови чиқарилди. Бироқ ҳалигача жавоб йўқ.**

*"Маркаюз" МФЙда яшовчиларни ичимлик сув таъминотидаги узилишлар қийнаётганди. Ф.Мадиярова туман "Сувоқава" корхонасига мурожаат қилди.* Аниқланишича, сув қувурлари эскирган, уларни алмаштириш зарур.

Соҳа мутахассислари депутат аралашуви билан масалага эътибор қаратдилар. Айни кунларда янги қувур ётқизиш ишлари давом этмоқда.

— Маҳалланинг ободлигига кўчаларда йиғилган маиший чиқиндилар соя солаётганди, — дейди Ф.Мадиярова. — "Тоза ҳудуд" корхонасига қилган мурожаатим муаммонинг ечимига йўл очди. Белгиланган вақтда автомашиналар аҳоли хонадонларидан чиққан маиший чиқиндиларни олиб кетаяпти. Бу тозалик ва саломатликнинг гарови.

1995 йилда туғилган фуқаро Худойберди Расулов вақтинча ишсиз эди. Депутатлик гуруҳи аъзоси Дилфуза Собирова бу масалани ўз назоратига олди. Бўш иш ўринларини ўрганди, натижада Х.Расулов "УзДонВонг" корхонасига ишга жойлашди.

— Ўз ишимдан хурсандман, — дейди Худойберди мамнун бўлиб. — Бизнинг ишончли вакилимиз сифатида депутатлар муаммоларни ўрганиш билан чекланмай, уларга аниқ ечим топаяпти.

**"Ўзбекистон" МФЙ, "Юқори Асака" кўчасидаги 250 метр масофадаги йўлнинг таъмирталаблиги пиёдалар ва транспорт воситаларига қийинчилик туғдирмоқда. Уни таъмирлашни масъул ташкилотлар унутган кўринади. Фуқаролар мурожаати асосида Д.Собирова туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан чиқди. Орадан 2 ой ўтди. Бироқ натижа йўқ. Бу айни вақтда ижро интизомининг бузилаётганини кўрсатади.**

Ҳал қилинган ёки ечим топмаган масала ҳақида сўз юритиб, халқ вакиллари сайловчилар нафаси билан яшаётганини англаймиз. Аниқланган муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топишга кўмаклашиш уларнинг доимий вазифасига айланмоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
**Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби**

## АКС САДО

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали педагог Раҳимжон Жалиловнинг мақоласини (*"Adolat" – 2019 йил 3 май, 18-сон)* диққат билан ўқиб чиқдим. Таълим муассасаси фаолиятининг энг муҳим мезони саналган ўқувчилар давомати, уларнинг дарслардаги иштирокига оид мазкур мақолани нафақат устоз-мураббийлар, балки ота-оналар, оилаларнинг ёши улуғлари ҳамда вояга етмаганлар масаласига дахлдор бўлган барча масъуллар ҳам ўқиб чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, ёш авлод таълим-тарбиясидаги кичик бир кемтиклик фақатгина оилага эмас, балки жамиятга ҳам таъсир қилиши, баъзан жиддий ташвиш келтириши ҳеч гап эмас.

Шу маънода, ҳам мактаб директори, ҳам кўп минг сонли ота-оналардан бири сифатида фарзанд тарбияси, вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги айрим фикрларимни баён қилмоқчиман.

# Ота-она берган тарбия — фарзанд учун олий неъмат

### "Ўқувчи дарсга келмаса, ота-она айбдорми ёки муаллим?" мақоласини ўқиб

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари, тўлақонли ва мукаммал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яъни, бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий қиёфа касб этган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад ростлаган. Уларни тамомлаган ёшлар пойтахтимиз — Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги ўзлари истаган олий таълим муассасаларида, ҳатто хорижий олий ўқув юртларига ўқишга кириб, таҳсилни давом эттиришлари мумкин. Аммо яратилган бу кенг кўламли имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига бекорчилик ва бебошликни ўзига касб қилиб олган, натижада ҳали вояга етмай туриб, ҳуқуқбузарлик ва жиноят кўчасига кириб қолаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Хўш, бунинг боиси нимада?

Шуни айтиш жоизки, ҳар қандай фарзанд оила боғида ўсиб-улғаяди, тарбия топади. Унинг келажакда нечоғли комил ёки ноқобил инсон бўлиб вояга етиши эса, ҳеч шубҳасиз, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Қолаверса, ўша фарзанд тарбия топаётган муҳит, яъни маҳалла-кўй, таълим муассасасидаги ҳолатлар ҳам айни масалада муҳим аҳамият касб этади. Бу эса яна ота-она ва оиланинг ёши улуғларидан, устозлардан жиддий масъулият талаб қилади. Энг муҳими, аввало, ота-онанинг ўзи тарбия топган бўлиши зарур.

Келинг, биринчи галда ўқувчилар давомати, уларнинг дарсга келмаслиги хусусида тўхталсак. Албатта, ўқувчи ўз-ўзидан дарсга келмай қолмайди. Қайсидир ўқувчининг дарсга келмагани, мактаб ва ўқувчилар тили билан айтганда, сабабли ёки сабабсиз бўлади. Бола касаллиги, жиддий оилавий вазият ва бошқа муҳим сабаб туфайли мактаб ёхуд коллежга келмаса, бу тушунарли. Лекин ота-онанинг кўз ўнгида мактабга кетиб, кейин кўчада ёки мактаб атрофида дайдиб юриши жиддий назорат талаб қиладиган ҳолатдир. Буни эса қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, ўқишга иштиёқи сўнган бола дарсга кирмайди. Қолаверса, оиласида бирор дилхиралик юз берган ўқувчининг ҳам дарсга киришга юраги бетламайди. Энг муҳими, ўқитувчининг дарс ўтиш маҳорати етишмаслиги, машғулотни қизиқарли, болани ўзига жалб қила оладиган педагогик услублардан фойдаланган ҳолда ташкил этолмаслиги, шогирдлари билан дўстона муносабатга кириша олмаслиги ўқувчининг дарсга келмаслиги ёки дарсдан қочиб кетишига асосий сабаб бўлади. Шу билан бирга, орамизда "Ўқиб олим бўлармидинг, пул топишни билсанг бўлди" дегувчи ота-оналар ҳам борки, аксарият дарс қолдирувчи, дарс пайтида интернет кафеларни "гуллатаётган" ўқувчилар уларнинг фарзандлари бўлиб чиқади. Бу ҳам етмагандек, айни тоифадаги ўқувчилар баъзи иродаси бўш синфдошларини ҳам йўлдан уриб, ўзига эргаштиради.

Р.Жалилов ўз мақоласида мунтазам дарс қолдираётган ўқувчининг ота-онаси иш жойига, маҳалла фуқаролар йиғинига ёхуд бошқа тегишли идорага хабарнома жўнатиш, шу орқали ўша ота-онага жамоа иззаси бериш масаласини, фикримча, тўғри таъкидлаган. Негаки, айрим тепса тебранмас, фарзанд тарбиясига панжа орасидан қарайдиган юртдошларимизга ана шундай таъсир ўтказилмаса бўлмайди.

Бундан ташқари, фарзанд тарбиясига салбий таъсир этувчи, кундалик ҳаётимизда учраб турадиган яна айрим ҳолатлар мавжуд. Масалан, кунда-кунора ичмаса ёки чекмаса туролмайдиган ота ўғли ёки қизини спиртли ичимлик, сигарет олиб келиш учун дўконга юборади. Сўнг ўша спиртли ичимликни фарзандларининг кўз ўнгида ичади. Кетидан сигарет тутатади. Бу ҳам етмагандек маст бўлгач, бутун уйни, ҳатто, маҳаллани бошига кўтариб жанжал қилади. Арзимаган баҳоналар билан фарзандларининг дилини хуфтон этади. Аксарият ҳолларда аёлини, унга қўшиб болаларини урадиганлар ҳам бор. Энди ҳақли савол туғилади, хўш, бундай муҳитда тарбияланган фарзанднинг эртага ўртоқларига бош бўлиб, ичмаслиги ва чекмаслиги, ҳаттоки, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслигига ким кафолат бера олади? Уйидаги жанжаллардан безган фарзанднинг дарс тайёрлашга юраги бетлайдими? Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган тарбиявий аҳамиятга молик кўрсатувлардан баҳраманд бўлишга ёхуд ўзи истаган йўналишдаги тўгаракка бориб, шуғулланишга тоқати қоладими? Бундан ташқари, ичкиликка муккасидан кетган ота фарзандининг юриш-туриши, ўқишини назорат қилишга, тарбияси билан шуғулланишга вақт ажрата оладими, бунга қурби етадими ўзи?

Йўқ, албатта. Пировардида фарзанд жиноятга қўл уриши ҳеч гап эмас.

Вояга етмаганлар жиноятига сабаб бўлувчи яна бир асосий ҳолат уларнинг моддий жиҳатдан нечоғли таъминланишидир. Айтайлик, ўзига тўқ, иқтисодий бақувват оиланинг фарзанди таълим муассасасига энг сўнгги урфдаги кийим кийиб келади, қўлида энг сўнгги русумдаги уяли телефон аппаратини олиб юради. Ёки ўзини кўз-кўз қилиб, аямай пул сарфлайди. Қарабсизки, бошқаларда ҳам унга ўхшаш, балки ундан ҳам устунроқ бўлиш кайфияти туғилади. Натижада оилада ота-онасига хархаша қилади. Ота-она бунга кўнса ёки фарзандига тўғри тушунтириб, уни йўлга солса яхши. Аксинча, бола нажотни кўчадан қидириб, ўғрилик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларни содир этса-чи?.

Агар таҳлилларга назар ташласак, вояга етмаган ёшлар ўртасида талончилик, безорилик, босқинчилик, ўғрилик жиноятлари ва мулкка қарши жиноятлар кўпроқ кузатилади. Яъни моддий эҳтиёжни қондириш, бошқача айтганда, оиланинг иқтисодий жиҳатдан ночорлиги ёки тўқликка шўхлик қилишнинг устунлиги жиноятлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ота-оналар Бош қомусимизнинг 64-моддасида **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар",** дея белгиланган бурчларини тўлақонли бажармасликлари ҳам фарзандларни жиноят кўчасига етакламоқда. Масалан, Оила кодексининг 79-моддасида белгиланганидек, ота-она(улардан бири)нинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга сабаб бўлади. Табиийки, ота-она тарбиясидан маҳрум бўлган бола кўнгилдагидек тарбия топмайди. Аниқроқ айтганда, тўлақонли назоратда бўлмайди. Бу эса унинг жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишига имкон яратади. Зеро, ота-она меҳри ва тарбияси фарзанд учун энг муҳим ва бошқа шарт-шароитлар, омиллардан устун бўлган неъматдир.

Агар ҳаётий ҳақиқат ва тажрибаларга назар ташланса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ёки бирор-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларини таъминлаш, ўзи қизиққан ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганишига шароит яратиш улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилмаслиги кафолатидир. Шу билан бирга, бу омиллар вояга етмаган ёшларни эртанги мустақил ҳаётга тайёрлаш мактаби ҳамдир.

Президентимизнинг 6-7 май кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида фаоллар билан ўтказилган видеоселектор йиғилишда ҳам ўзи илгари сурган 5 та энг муҳим ташаббусни тўлақонли амалга ошириш, жумладан, ёшларни китобхонликка кенг жалб қилиш, шу орқали улар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

Ўсмирлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноят содир этишининг олдини олишнинг бирдан-бир йўли, шубҳасиз, оила, мактаб ёки коллеж, маҳалла ҳамкорлигининг мустаҳкам ўрнатилишидир. Негаки, фарзанд куннинг деярли ярмини таълим муассасасида ўтказади. Қолаверса, халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақли бежиз айтилмаган. Бу масалада ўша ҳудуддаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллари, васийлик ва ҳомийлик кенгашлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари ва профилактика инспекторидан катта масъулият талаб қилинади.

Албатта, мактабда давомат масаласи муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга саналади. Бирор фанга, касбга қизиққан, дарс қолдирмайдиган ўқувчи дарсдан кейин ҳам машғулотни давом эттириш ҳаракатида бўлади. Ҳатто, бунга имкони бўлмаса ҳам дилида шундай истак сўнмайди ва вақт топишга интилади. **Демак, ўқувчилар, аввало, таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш билан банд бўлишлари керак. Оилада ҳам фарзандларнинг билим ўрганишга бўлган истаги ҳар куни, ҳар доим рағбатлантирилиши, уларни таълимдан чалғитмаслик лозим**.

Яна бир гап. Шундай ота-оналар борки, улар ўзининг шахсий эҳтиёжига ёки қадрдонлари билан бўладиган зиёфат ва гап-гаштакларига миллионлаб маблағ сарфлайди. Ёхуд фарзандининг ўйин-кулгиси учун юз минг сўмлаб пулни аямайди. Бироқ 10-15 минг сўмга боласига битта китоб олиб бермайди. Ваҳоланки, бугун боланинг билим олишидан тежаб қолинган бир сўм, эртага миллионлаб зарар келтириши ҳеч гап эмас. Энг ачинарлиси, бундан нафақат ўша оила зарар кўради, балки жамият равнақига ҳам путур етиши мумкин.

Вояга етмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда яна бир энг муҳим омил мавжудки, бу уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдир. Яъни таълим муассасаларида ўтиладиган "Конституция сабоқлари" дарслари ва "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанларида янада қизиқарли, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиш, дарсларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тажрибали ходимларини жалб қилиш, "Сиз қонунни биласизми?", "Ҳуқуқ билимдонлари", "Ўйла, изла, топ!" сингари ёшларни ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга, фикрлашга, дунёқарашини шакллантиришга, изланишга ундайдиган тадбирларни ташкил этиш, улар онгига ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини янада чуқуррок сингдириш мақсадга мувофиқдир. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, бурчларини англаган инсон ноқонуний хатти-ҳаракатга қўл урмайди. Ундан фақат эзгулик ва яхшилик кутиш мумкин.

**Рустамжон ҲАКИМОВ,**
**Халқ таълими аълочиси,**
**Ўзбекистон туманидаги**
**49-умумтаълим мактаби директори**

## МУЛОҲАЗА

Бир синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг одоби, хулқи бир-биридан фарқланади. Баъзи ёшлар муаллим ўргатмаса ҳам одобли, тартибли, ўқиши-ўзлаштириши ҳам шунга мос бўлади.

# Шўхлик билан тарбиясизликнинг фарқи бор

Айрим ўқувчиларни муаллим ҳар гал тергаб, тарбиялаб туриши заруратга айланади, акс ҳолда дарсга халақит бериши, яхши ўқийдиган тенгдошларининг вақтини олиб, дарсдан чалғитишга уриниши мумкин. Бундан кўринадики, "Қуш уясида кўрганини қилади", деган синашта нақл бежиз айтилмаган. Одобли ўқувчилар ўз келажаги ҳақида тасаввур қилиб, бирор мақсадни кўзлаб улгурган. Шу боис у билим олишга, ўрганишга ҳаракат қилади. Қолаверса, дарсга халақит бериш ўқувчига оилада тарбия берилмаётганини кўрсатади. Шўхлик деган тушунчани меъёридан ошириб юборадиган ўқувчига эса муаллим, дарсдан чалғиб бўлса ҳам, тарбия бериши лозим бўлиб қолади. Шу боис ўқитувчилар, айниқса, синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ота-онаси билан ҳамжиҳатликда ишлашига тўғри келади.

Таълим-тарбия масаласида ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигига халқ таълими тизимида жиддий эътибор қаратилмоқда, чунки бу ижтимоий заруратга айланди. Тарбиявий ишларда аниқ мисоллар сабоқ бўлиши, ёшлар онгига тез таъсир қилиши кузатилади. Катта ёшдагилар, ота-оналар, ўқитувчиларнинг ҳаётдаги ўрни, ибратли ишлари, фан-таълимга кенг жамоатчиликнинг муносабати ёшларга намуна бўлиши, уларнинг билим олишига иштиёқини кучайтириши айни муддаодир. Албатта, болани яхши тарбиялаш оиладан бошланса, нур устига нур. Бу нафақат шу хонадоннинг, балки мактаб жамоаси ва жамиятнинг ютуғига айланади. Акс ҳолда салбий ҳолат ҳам худди шу тартибда оғриқли масалани пайдо қилади.

Бола шўх бўлади, деймиз. Аммо баъзан ота-оналар оддий шўхлик билан тарбиясизлик, ахлоқсизлик тушунчаларини бир хил тушуниб, фарзандининг маънавияти дарз кетаётганига бефарқ қарайди. Ота-оналар буни кеч бўлмасдан олдин тушуниб етишлари шарт. Келгусида фарзанди ҳаётда ўз ўрнини тополмаса, олтиндан қиммат вақтини беҳуда ўтказиб юборса, бундан, аввало, шу фарзанд ва ота-онанинг ўзи азият чекади-ку.

Шогирдларининг камолини кўрганда устозларнинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилади, муаллимнинг орзу-мақсади ва ҳаётининг мазмуни ҳам шунда. Ўқувчиларимиз ана шундай камолга етишини тилаб, мактабга ошиқамиз.

**Бобир МАДРИМОВ,**
**Хива туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

# Абитуриент

## УЧТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШИ МУМКИН

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 апрелда "Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида Давлат тест маркази вакиллари мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, жорий йилда соҳага доир ишлаб чиқилган бир қатор ҳужжат лойиҳалари ва уларнинг бугунги ҳолати ҳақида сўз юритишди.

Қарорга мувофиқ, эндиликда турк тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар ҳам мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширади.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири — олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда абитуриентдан 086-U шакл бўйича тиббий маълумотнома талаб этилмайди.

Қуйидагилар ОТМларга қўшимча давлат грантлари асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинувчилар қаторига киритилди:

— Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатни аъло баҳоларга битирган битирувчилар бакалавриатнинг хорижий тил ва адабиёт, филология ва тилларни ўқитиш йўналишларига;

— ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи, қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тавсияномасига асосан.

Шунингдек, мазкур қарорда сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби ҳақида ҳам сўз юритилган. Унга кўра, энди сиртқи таълим йўналишларига ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари эса 16 августдан 25 августгача камида 3 та фандан ўтказилади.

Имтиҳон натижалари имтиҳондан кейин 1-3 кунда таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Магистратурага киришда қуйидаги талаблар бекор қилингани ҳам ёшлар ва мутахассисларни қизиқтиради, албатта:

— магистратурага кирувчиларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлаш мақсадида танланган мутахассисликка мос саволлар асосида суҳбат;

— "Информатика ва ахборот технологиялари" фани бўйича синов;

— Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича синов.

Магистратурага ҳужжат топширганларнинг TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балли бўлганида улар чет тилидан кириш синовида иштирок этмайди. Илгари бу натижалар TOEFL бўйича камида 58 ва IELTS бўйича камида 5 балл бўлиши керак эди.

Ўқишини баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш ҳар йили 15 январдан 25 январгача давом этади. Илгари 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар эди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, жорий йилдан бошлаб абитуриентлар ўз хоҳиш-истагига қараб, учта олий таълим




муассасасига ҳужжат топшириши мумкин бўлади. Биринчи олийгоҳга тўплаган балли етмаган абитуриент иккинчи ва учинчи олийгоҳга ўқишга қабул қилиниши мумкин. Олийгоҳни танлаш абитуриент учун эркин, аммо ҳар бир олий таълим муассасасига учта фани бир хил бўлган йўналишлар бўйича ҳужжат топшириш талаб этилади.

— Илгари барча харажатлар Давлат бюджетининг миллиардлаб маблағлари ҳисобидан амалга оширилар эди. Маълумки, бугунги кунда бир қатор мамлакатларда тест синовларини топшириш пуллик асосда амалга оширилмоқда, — деди анжуманда иштирок этган Давлат тест маркази бош бошқарма бошлиғи Барно Ражабов. — Тегишли лойиҳада мамлакатимизда олий таълим муассасаларига имтиҳон топширишни пуллик тарзда, яъни энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгилаш қайд этилган. Албатта, ушбу лойиҳа бир қанча муҳокамаларга сабаб бўлди. Айни пайтда аҳолининг турли қатламлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланган тўлов суммаси камайтирилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз**

БЕШ ТАШАББУС

**Яқинда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан бир гуруҳ ёшлар Бўка туманида бўлиб, туманда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус асосида Бўка туманида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар туфайли маҳаллалар кундан-кунга обод бўлиб, замонавий, кўркам қиёфа касб этаётганига гувоҳ бўлдик. Бир ойга яқин вақт ичида туманда юз берган янгиланишлар, бунёдкорлик, маънавий-маданий ишлар аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янгича мазмун олиб кираётганини кўриб, дилимиз ғурур ва ифтихорга тўлди. Қуйида бир кунлик сафаримиз давомида кўрган-кечирганларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.**



# Кўнгилларга қувонч бағишлаётган обод манзиллар

Беш ташаббус ижроси доирасида туманда ташкил этилаётган китоб ярмаркалари, таниқли адиблар билан учрашувлар, маънавий-маданий ва спорт тадбирлари фуқароларнинг фаол иштирокида кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У.Муҳаммадиев, Қ.Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф.Маҳмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли адиблар, ёшлар ва фаоллар иштирок этишмоқда. Туманда ҳар куни янгилик, кунда бир ўзгариш, десак муболаға қилмаймиз. Янги бинолар барпо этилмоқда, мавжудлари замонавий талабларга мос равишда капитал таъмирланаяпти.

Аввал хабар қилганимиздек, тумандаги "Янгиқўрғон" маҳалласида беш ташаббус доирасида олиб борилаётган қурилиш-ободончилик борасидаги улкан ишлар, маънавий-маданий янгиланишлар бугун ҳам давом этмоқда. Яратилган иш ўринлари ёшлар ва хотин-қизларнинг ўз қобилиятини намоён этишга, ҳалол меҳнат қилиб, туман равнақига ҳисса қўшишга имкон бермоқда. "Китоблар карвони"да ёшларга тақдим этилган тафаккур дурдоналари ҳам тенгдошларимизни хурсанд қилмоқда.




Президентимиз илгари сурган беш ташаббусдан бири хотин-қизларни иш билан таъминлашдир. Бўка туманидаги Ёшлар боғида янги очилган Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳамда Аёллар ижтимоий мослашув маркази фаолият олиб бормоқда.




— Ҳозирги кунда марказимизга ташаббускорлик лойиҳалари асосида банк муассасасидан кредит олган 350 нафар аёллар аъзо бўлишди, — дейди Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари Сайёра Тошматова. — Эндиликда улар билан мунтазам иш олиб борамиз ва ҳар бирининг ўзи танлаган йўналишда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, яхши натижаларга эришиши учун яқиндан ёрдам кўрсатишни мақсад қилганмиз. Шу билан бирга, марказимиз қошида тикувчиликка қизиққан аёллар учун ўқув дарслари ташкил этилади.

Туманда истиқомат қилаётган опа-сингилларимиз учун хизмат қилаётган Аёллар ижтимоий мослашув марказида эса тиббий, психологик ҳамда ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш учун махсус хоналар мавжуд. Бу масканда мутахассислар мазкур йўналишларда иш олиб бориб, хотин-қизларнинг яқин маслаҳатгўйи, кўмакчиси бўлишга интилмоқда. Мутахассис кадрларнинг интеллектуал салоҳиятидан жамият ва аҳоли манфаатлари учун фойдаланиш, уларнинг бандлигини таъминлашда ушбу марказлар ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Бу каби хайрли ишлар кўлами кенг.

— Ишга тополмай юргандим, — дейди Покиза Икромова. — Ишсиз хотин-қизлар рўйхатга олинаётганидан хабар топиб, мурожаат қилдим. Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг тикувчилик йўналиши ўқитувчилари Гулбаҳор Жўраева ва Машҳура Абдуғаффорова кўмагида тикувчилик сир-асрорларини ўргандим. Яқинда ишга тушадиган фабрикада ишлаш ниятидаман. Ҳозир ўқув амалиёти ўтаяпмиз.

Ўқув амалиёти жараёнида устозлар назоратида трикотаж буюмларини тикаётган аёлларнинг ўз ишидан мамнунлигини англаш қийин эмас. 133 нафар опа-сингилларимиз бичиш-тикиш, дазмол қилиш, мато тозалаш ва тайёр маҳсулотни сўнгги назоратдан кейинги тахлаш ишларини ҳозирданоқ бекам-кўст бажаришмоқда.

Тумандаги "Бўстон" маҳалласида қуриб битказилган фабрикага 112 та тикув машинаси келтирилди. 300 нафар хотин-қизлар тикувчилик бўйича ўқитилмоқда, улардан 133 нафари ўқув амалиёти ишларини ўташаяпти. "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан "Чавлисой" маҳалласидаги фабрикага ҳам 100 та тикув машинаси ўрнатилиб, тикувчилик мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган аёлларга эндиликда шу жойда ўқув амалиётини ўташ имкони яратилди.

Ташаббускор тадбиркор Мўмин Муродовга берилган фабрика яқин кунларда тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Бу эса ҳар бир ишчининг оиласи фаровон, рўзғори бут бўлади, деганидир.

3-сектор ҳудудидаги "Катта Равот" маҳалла фуқаролар йиғинида 490 та хонадон мавжуд бўлиб, унда 2460 нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Бунёдкорлик ишларидан кўнгиллар обод бўлмоқда, — дейди маҳалла раиси Эркин Исматов. — Марказий кўчада жойлашган маданият саройи таъмирланаяпти. Кичик ўйингоҳ, кутубхона, компьютердан фойдаланиш учун махсус жой, маҳалла фуқаролар йиғини биноси барпо этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг кўз ўнгида давом этаётган бундай улуғвор ишларнинг ибрати беқиёс. Ушбу янгиланишлар тенгдошларимизнинг қалбига ғурур бағишлаб, юксак орзу-мақсадларни кўзлашга ундамоқда.

**Зебунисо РАҲМАТОВА**

# "Нафсим менинг балодир"

## БУ ҲАҚИҚАТНИ ФИРИБГАР ҚОРА КУРСИГА ЎТИРГАЧ АНГЛАДИ

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

**Айтишларича, ҳаётда инсоннинг энг ашаддий душмани — унинг нафси. Албатта, ҳар биримиз ҳаётда бу нақлдаги ҳолатнинг турфа кўринишларига дуч келамиз. Дейлик, ношукурлик, бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, очкўзлик, кўнгилхушликка бўлган майл сингари иллатлар ортида нафс аталмиш ғанимнинг йўл-йўриқлари бор. Ўз нафсига қул бўлишнинг оқибати нақадар аянчлидир. Энг ачинарлиси, нафс гирдоби ёш танламайди.**



Қувалик 50 ёшга етган Одилжон Камолов (*мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган.*) ҳам нафс балосининг амри билан умр дафтарини 3 маротаба судланиш билан "безади".

Гап шундаки, О.Камолов дастлаб Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а"-банди (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини жуда кўп миқдорда бузиш) ва 228-моддаси 3-қисми (ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш) жиноятларини содир этгани учун жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2004 йил 28 майдаги ҳукмига биноан қонуний жазога тортилган, 2005 йил январь ойида амнистия актига мувофиқ жазодан озод қилинганди. Кейинчалик 2016 йил 10 октябрда жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 223-моддаси 1-қисми (белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш) билан айбдор деб топилиб, унга тайинланган 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Жиноят кодексининг 72-моддаси тартибида 1 йил синов муддатига алмаштирилганди. Аммо....

Белгиланган синов муддати тугаганидан сўнг икки ой ўтиб, О.Камолов учинчи маротаба жиноятга қўл урди. Аниқланишича, 2017 йил куз ойларида у ўз хонадонида "Бек" номли миллий таомлар ошхонасини ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяди. Табиийки, таом тайёрлашга гўшт маҳсулоти зарур, кўп миқдорда гўшт ишлатиладиган ошхона учун эса маҳсулотни ҳар куни бозордан харид қилгандан кўра, қорамол олиб сўйиш фойдалироқ саналади. Шу мақсадда Одилжон таниш-билишларидан сотиладиган мол бор-йўқлигини сўрайди. Шунда маҳалла гузарида учрашиб қолган таниши Латифжон Ўрмонов ўз уйида бир бош ҳўкиз борлигини айтади. Сўнг О.Камоловни хонадонига бошлайди.

— Пулини тўрт-беш ойда оз-оздан узаман, — дейди харидор ҳўкизни 7.000.000 сўмга сотиб олишга келишгач.

У шундай деб қорамолни олиб кетади. Лекин уни сўйиш ўрнига нотаниш шахсларга ўзи олган нархга сотиб, пулини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Латифжонни эса турли баҳоналар билан алдаб юраверади. Бояқиш Л.Ўрмонов Одилжонникига қатнайвериб, кавуши йиртилса ҳам пулини ололмайди.

Буни қарангки, О.Камолов Латифжондан кейин фуқаро Нурмуҳаммад Ғолибовни ҳам чув туширади. Маълум бўлишича, Одилжон 2018 йил январь ойида Н.Ғолибовнинг 8.700.000 сўмлик қорамолини олиб кетиб, пулини бир ой ичида тўлиқ беради. Бироқ Нурмуҳаммад ака буни фирибгарликнинг "ўзига хос усули" эканлигини қаёқдан билибди, дейсиз? Яъни устомон харидор иккинчи маротаба Н.Ғолибовнинг Голландия давлатидан келтирилган бир бош зотдор ҳўкизини 24.000.000 сўмга баҳолашиб, насияга олади. Фақатгина қорамол соҳибини ишонтириш учун олдиндан унга 200 АҚШ долларини беради.

— Қолганини ўтган сафаргидек тез орада бераман, — дейди таниши Эргашали Мирзаназаровнинг ўғли Қобил Мирзаназаров ёрдамида ҳўкизни машинага юкларкан. Аммо кейинчалик аён бўлишича, аслида Қобил ёрдамлашиш учун келмаган, балки О.Камолов қорамолни Э. Мирназаровдан аввалдан бўлган қарзлари эвазига бериб юборган экан. Э.Мирзаназаров қорамолни сўйиб, сотиб юборади.

Албатта, келишилган муддатда Нурмуҳаммад Ғолибов қарздордан ўз ҳақини сўрашга тушади. Бироқ фирибгар ҳар гал унга бири иккинчисига ўхшамаган важ-карсонларни кўрсатишдан чарчамайди.

— Молингизни тошкентлик қассобларга сотганман, улардан пулини олиб келишим керак. Лекин шу кунларда йўл кирага ҳам пулим йўқ, — дейди навбатдаги учрашувда жўрттага. Чунки у бу гапни атайин айтган эди. У ҳийла ишлатиб, Н.Ғолибовдан яна 800.000 сўм пул олади. Аммо бу пулни ҳам ҳар доимгидек жиғилдонига уради.

Халқимизда "Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга соладир", деган пурҳикмат нақл бежиз айтилмаган. Одилжон Камолов нафс измига кириш инсонга фақат ташвиш келтиришини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўзига нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинганда яна бир бор англаб етади. Бироқ кеч бўлганди.

Жиноят кодексининг мазкур моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги қайд этилган. Бинобарин, айбдорнинг оила аъзолари ва яқинлари терговов жараёнида жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплашди. Натижада суд ана шу моддага асосан О.Камоловга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади. Бу муддатдан унинг 1 ой ва яна 4 кун қамоқда ўтирган вақти ҳам ахлоқ тузатиш иши жазосининг 3 ой 12 кунига тенглаштирилиб, чегириб ташланди.

**Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Хўш, Одилжон Камолов бир эмас, икки кишига нисбатан фирибгарлик қилиб нима топди? Шу йўл билан қўлга киритган пуллари унга нима келтирди? Охир-оқибат ўз шаънига яна бир бор "судланган" деган қора доғни орттириб олди, холос. Ажабмас, энди у кўрган-кечирганларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳалоллик билан иш юритса, фарзанду набираларини ҳам шунга ундаса.**

**Оловиддин ҲАСАНОВ,**
***Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди раиси.***
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
***журналист***

ХАБАРЛАР

## Сариёғфурушнинг «миси» чиқди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Ж.Ш. ЯТТ «А.Б»нинг муҳридан фойдаланиб, унинг номидан сохта юк-хатини тайёрлаб, Литва давлатида ишлаб чиқарилган, истеъмол қилиш муддати ўтган жами 550 кг. сариёғнинг ҳар бир килограммини 56,0 минг сўмдан ҳисоблаб 30,8 млн. сўмга сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Тадбир жараёнида Ж.Ш.нинг кўрсатмаси бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган «Z-T» МЧЖ омборхонаси кўздан кечирилганда Литва давлатида ишлаб чиқарилган, истеъмол қилиш муддати ўтган жами 22.450 кг. сариёғ мавжудлиги, шунингдек, «I-F» МЧЖ томонидан мазкур омборхонадан 625 кг. сариёғ «Ўрикзор» савдо мажмуаси ҳудудида савдога қўйилгани аниқланган.

Ўтказилган лаборатория таҳлили натижаларига кўра, ушбу сариёғ маҳсулотлари истеъмолчиларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Тадбир якуни бўйича, умумий нархи 1,3 млрд. сўмлик жами 23.625 кг. истеъмол қилиш муддати ўтган сариёғ маҳсулотлари олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ж.Ш.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

## «Ҳожатбарор» қўлга тушди

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси хабарида, 2019 йил 9 май куни Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ИИБга тушган ҳужжатга кўра, унда шу йил 4 апрель куни Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 28 ёшли Б.Д. Самарқанд вилоятида яшовчи 23 ёшли М.Р.ни Японияга ишга жўнатишни айтиб, уни алдаб, ишончига кириб, 6 220 АҚШ доллари ва 4 500 000 сўм пулларини олиб, шу кунга қадар берган ваъдасини бажармай, пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлиги кўрсатилган. Кўрилган чоралар натижасида Б.Д. ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## «Саёҳат» амалга ошмади

2019 йил 11 май куни соат 05.30 ларда Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортининг хавфсизлик хизмати галереясида, "Тошкент — Москва" йўналишида учиб кетаётган йўловчи 37 ёшли И.К. исмли аёлнинг ички кийимига яширилган, 6 дона полиэтилен пакетчаларга ўралган 37,4 гр. "гашиш" гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**"Мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Лекин, афсуски,ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар жуда кам. Ваҳоланки, ислоҳотлар жараёнида ОАВ халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади".**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти




# ГАЗЕТАЛАР инқирозга юз тутадими?

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Бу рўйхатдаги нашрларга обуна ишида вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари бош-қош бўлар, натижада мажбурий обуна юзага келарди. Газета-журналлар муҳаррирлари ўша пайтда ўз нашрларини ана шу мажбурий обуна рўйхатига киритишга ҳаракат қилардилар. Шундан кейин мажбурий обунанинг яна бир тури ишга тушарди. Яъни, вазирликлар, агентликлар, партиялар ўзларининг жойлардаги ташкилотларига муассислигидаги газета-журналларга обунани ташкил этиш борасида топшириқлар йўллардилар. Рўйхат ва топшириқларга номлари кирмай қолган босма нашрлар, таҳририятлар вакиллари эса вилоятлар ва туманларга бориб, илтимос, танишбилишчилик, турли хил ваъдалар эвазига обуна ишларини амалга оширардилар. Шундай қилиб, йил якунига бориб, ғалвир сувдан кўтариларди. Рўйхат асосидаги нашрларга 30-40 мингдан тортиб 100 минггача, топшириқлар асосидаги газета-журналларнинг ҳар бирига 20-40 минггача, қолганларига эса 5-10 мингтадан обуна пайдо бўларди. Обуна, гарчи йиллик ҳисоблансада, обуначилар сони йил давомида ўзгариб турарди. Кимдир 3 ойга, бошқа биров 6 ойга, баъзилар 9-12 ойга обуна бўлардилар. Шунинг учун аксарият ҳолларда газеталарнинг обуначилари сони йил бошида 25-30 мингта бўлса, йил охирида 5-6 мингга ҳам тушиб қоларди.

Бу аҳвол 2018 йилгача давом этди. 2018 йилнинг охирларига келиб обуна борасидаги эскича қарашларга барҳам берилди. Рўйхат ва топшириқлар асосидаги обуна қилиш ишлари тўхтатилди. Мажбурий обуна ишлари тўла равишда бўлмаса ҳам, очиқдан-очиқ амалга оширишга йўл қўйилмади. Кимнинг қандай газета ва журналга ёзилиши ихтиёрий қилиб белгиланди. Натижаси 2019 йилнинг бошларида маълум бўлди. Олдинги йилларда 100 минг ва ундан ошиқ нусхада чоп этилган газеталар 50 минг нусхага, 50 минг нусхада чоп этилганлари 20-25 минг нусхага, 20 минг нусхада босиб чиқарилганлари 10 минг нусхага, 10 минг нусхадагилари эса 4-5 минг нусхага тушиб қолди. Баъзи газеталар эса етарлича обуначилар тўплай олмагани учун нашр қилиниши вақтинча тўхтатилди. Агар айрим газета ва журналларнинг муассислари ўзларига тегишли қуйи ташкилотларга обуна борасида топшириқлар бермаганида бу борадаги аҳвол ҳозиргидан ҳам оғирроқ кечган бўларди.

Табиийки, газета-журналларга обунанинг кескин камайиб кетиши матбуот соҳаси раҳбарларини, журналистларни, ноширларни, ижодкорлар, ҳатто газетхонларни ҳам ташвишга солди. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларида, интернет веб-сайтлари орқали газеталарнинг ададини ошириш, обуна ишини яхшилаш, матбуотнинг, хусусан, босма нашрларнинг халқимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида ролини кучайтириш борасида турли фикрлар ўртага ташланди. Бу борадаги ишларни яхшилаш учун баъзилар ҳукумат моддий ва маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиши, давлат обунани амалга оширишда кўмаклашиши зарур десалар, айримлар мамлакатда матбуот фондини ташкил этиш керак, бу фонд босма нашрларни ҳозиргидек қийинчилик пайтларда қўллаб-қувватлаши лозим деб таклиф билдирмоқдалар. Яна бир тоифа таклифчилар эса жаҳонда юксак тараққий этган мамлакатлар оммавий ахборот воситалари тажрибаларини матбуотимизга жорий қилиш ҳақида мулоҳаза юритмоқда. Муносабат билдирувчиларнинг яна бир гуруҳи халқимиз вакилларини, миллатимиз фидойиларини матбуотни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга чақирмоқда. Албатта, бу таклиф, мулоҳазалар, фикрлар, мушоҳадаларнинг ҳар бирида маълум ҳақиқатлар ифодасини топган. Лекин бу ўринда ушбу мулоҳаза, таклиф, мушоҳадалар ҳақида эмас, балки газета-журналларга қизиқишнинг камайиб кетганлиги, улар ададининг ниҳоятда озлиги, обуначилар сонининг аввалги йилларга нисбатан жуда ҳам пастлиги, босма нашрларнинг давр талабларидан орқада қолаётганлиги хусусида баъзи фикрларни айтишни ният қилдик.

Келинг, гапни обуна масаласидан, обуначилар сонининг кескин камайиб кетиш сабабларидан бошлайлик. Обуна даврий нашрлар, жумладан, газета-журналларга ҳар бир муштарийнинг олдиндан пул тўлаб, улардан йил давомида фойдаланиши учун яратилган имконият ҳисобланади. Илгарилари газета-журналларнинг йиллик обуна нархлари қиммат эмас эди. Шунинг учун бир муштарий уч-тўрт газета, бир-икки журналга обуна бўлишга имкони етарди. Эндиликда бозор иқтисодиёти ҳукмрон бўлгани сабабли газета-журналларнинг нархнавоси ҳам кескин ошди. Айтайлик, таҳририят газета тайёрлаш учун кетадиган маблағларни ҳисоб-китоб қилиб, унинг йиллик нархини 200-250 минг сўм қилиб белгилайди. Лекин бу ҳали обуна нархи дегани эмас. Обуна нархини шу тайёр газетани обуначиларга етказиб берадиган ташкилотлар белгилайди. Яъни, улар газета нархига ўз хизматлари улушини қўшади. Афсуски, ана шу "улуш" ҳам обуначининг елкасига тушади. Эшагидан тушови қиммат дегани шу бўлади. Бу ўринда газеталарнинг газетхонлар қўлига бир-икки кун кечикиб етиб бориши алоҳида мавзу. Оқибатда йиллик обунаси 250 минг сўмлик газетанинг нархи 350-400 минг сўмга чиқиб кетади.

Натижаси эса маълум: муштарий бир газета ва бир журналдан бошқасига (бу ҳам оиласида иқтисодий имконияти бори) обуна бўлолмаслиги аниқ. Сабаби эса оддий — муштарийларнинг аксарияти оиласидаги иқтисодий харажатлардан тежаб, обуна учун ажратган маблағи бунчалик қиммат нархни кўтармайди.

Тўғри, газета-журналларнинг йиллик обунасидан ташқари, уларни муштарийларга етказиб бериш учун киоскалар орқали кундалик сотиш ишлари ҳам мавжуд. Аммо бу иш республикамизда йирик шаҳарлардан ташқари шаҳарчалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларда деярли йўлга қўйилмаган. Тайёр газетани тарқатувчи ташкилотлар ғазналарига обунадан катта миқдорда пул тушиб турганида бу иш билан шуғулланишга фурсатлари ҳам, ниятлари ҳам йўқ.

**Яна обуна масаласига қайтайлик. Обуна ишлари шаҳарларга нисбатан қишлоқларда қийинроқ кечади. Бу ҳолатни кейинги йилларда обуна географияси ҳам кўрсатмоқда. Яъни, жами обуначиларнинг 4/3 қисмини шаҳарлар аҳолиси, 4/1 қисмини қишлоқлар аҳолиси ташкил қилмоқда. Сабаби яна ўша маблағ, аҳолининг иқтисодий аҳволи масаласига бориб тақалади. Эътибор беринг, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда яшайди. Илгари ана шу аҳолининг фаолияти жамоа хўжаликларида кечарди. Агар бир жамоа хўжалигида 2,5 минг одам меҳнат қиладиган бўлса, шундан камида 2 мингги, баъзан ҳаммаси газета-журналларга ё мажбурий, ё ихтиёрий равишда обуна бўларди. Маблағ ҳам топиларди. Эндиликда эса ўша жамоа хўжалигида ишлаган 2,5 минг одам фермер хўжаликларида, ширкатларда, шахсий хўжаликларда, замонавий кластерларда фаолият юритмоқда. Аммо улардан 150-200 нафари ихтиёрий равишда обуна бўлади, холос. Ўша хўжаликлар раҳбарлари эса қўл остида ишловчиларни газета-журналларга обуна қилиш нари турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундан ташқари, ўша фермер ва бошқа типдаги хўжаликларда ишловчиларга ойлик ҳақи аксарият ҳолларда буғдой, шоли, деҳқончилик маҳсулотлари ҳисобидан товар тарзида тўланмоқда. Бу эса, табиийки, обуна жараёнига салбий таъсир кўрсатади, муштарийлар сонининг камайишига олиб келади. Чунки ҳеч ким маҳсулот сотиб, газета ва журналга обуна бўлмайди. Бўлганда ҳам бундайлар ниҳоятда озчиликни ташкил этади. Бошқача айтганда, эндиликда газета-журнал ўқишни истайдиганлар обуна учун маблағ тополмаяпти. Маблағи борлар эса газета-журнал ўқишни истамаяпти.**

Албатта, кейинги йилларда обуначилар сонининг камайиб кетишига фақат ҳаётдаги ижтимоий омиллар, иқтисодий етишмовчиликларгина эмас, даврий нашрларнинг ўзларидаги баъзи камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда. Шулардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Биринчи сабаб: газеталарнинг тезкорлиги ва актуаллиги билан боғлиқ. Маълумки, таҳририятлар келгуси йилда обуначиларни кўпайтириш мақсадида газеталари саҳифаларида турли-туман ахборотларни, хабарларни, қизиқарли, ўқишли, таҳлилий мақолаларни бериб боришни, муштарийларга жаҳонда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришларни тезкорлик билан етказиб беришни ваъда қилишади. Обуна шу тарзда муштарийлардан ваъдалар эвазига омонат олинган пулга айланади. Обуначиларга берилган ваъдалар бажарилса-ку яхши. Агар бажарилмаса-чи? Бундай пайтда муштарийлар газетага бир йил обуна бўлади, иккинчи йил умид билан ёзилади. Газета фаолиятидан кўнгли тўлмаса, учинчи йил унга обуна бўлишдан воз кечади.

Газеталаримиз бу борада муштарийлар олдида берган ваъдаларини яхши бажараётибдилар, дейиш қийин. Айтайлик, газеталарнинг асосий вазифаларидан бири халқимизга юртимизда, хорижда бўлаётган воқеаларни, хабарларни, янгиликларни тезкор етказиб беришдан иборат. Республикамизда бугунги кунда бир неча юзлаб номда газеталар чоп этилади. Ана шулардан 2-3 таси ҳафта давомида 5-6 марта нашр этилади, холос. Баъзилари ҳафтада 4-3-2 мартадан чоп қилинади. Аксарияти эса ҳафталикка айланиб улгурган. Хўш, энди тасаввур қилинг, бу ҳафтанинг бошида бир муҳим воқеа рўй берса, уни ҳафталик газета кейинги ҳафтанинг бошида газетхонга етказса, унинг тезкорлиги, янгилиги нимадан иборат бўлади? Ҳозирги ахборот асрида бу газетхонларни қаноатлантирадими? Албатта, йўқ. Шунинг учун обуначилар сони йилдан-йилга камайса камаяётибдики, лекин кўпаймаяпти.

Иккинчи сабаб. Газеталарда ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни чуқур таҳлил қилувчи мақолаларнинг камлиги билан боғлиқ. Тўғри, даврий босма нашрлар, хусусан, газеталар кундалик ахборотлар, янгиликлар, маълумотлар билан биргаликда ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақидаги яхши мақолалар билан ҳам газетхонлар эътиборини ўзига жалб қилиши керак. Бироқ бу жараёнда ҳам газеталар кундалик ҳаёт, давр талабларидан орқада қолаётганлиги сезилмоқда. Эътибор беринг, кейинги 2-3 йил ичида мамлакатимизда қанча ўзгаришлар юзага келди. Ҳаёт тарзимиз, фикрлаш тарзимиз янгиланмоқда. Онгимиз, тафаккуримиз ўзгармоқда. Мамлакатимиз, халқимиз, миллатимиз дунёда ўзини намоён қилмоқда. Хўш, ана шулар тўғрисида журналистлар, ижодкорлар томонидан бу жараёнларни чуқур таҳлил қилувчи, муваффақиятлар омили нимадаю камчиликларимиз сабабларини кўрсатиб берувчи мақолалар, публицистик асарлар яратишдими? Ёхуд оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ёзаётган мақолалар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизнинг қайси жабҳаларини янгилашга, ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда? Афсуски, бу борада газеталаримизнинг аҳволи, журналистларимизнинг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Тўғри, газеталар саҳифаларида юксак даражада бўлмаса ҳам ўртамиёна таҳлилий мақолалар чоп қилиниб турибди. Лекин улар ҳам етарли эмас. Газеталардаги аксарият мақолалар, публицистик асарлар эса воқеа-ҳодисалар баёнидан, қаҳрамонлар фаолиятини улуғлашдан, ютуқларни мақташдан, камчиликларни хаспўшлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Булар ҳам, табиийки, муштарийнинг газетага бўлган қизиқишини сусайтиради.

Учинчи сабаб. Газета билан газетхонлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг, ҳамкорликларнинг камайиб кетганлиги билан боғлиқ. Маълумки, газета муштарийлари билан тирик. Бу газета билан газетхон ўртасидаги ҳамкорлик ҳамма вақт зарур дегани. Матбуот роли кучайган, газеталар талаш бўлиб ўқилган пайтларда уларнинг омма билан алоқалари кучли эди. Одамлар газетага ишонарди. Шу ишонч туфайли матбуот нашрларига ҳаётдаги янгиликларни ҳам, ўз қувончларини ҳам, ташвишларини ҳам, фикр-мулоҳазаларини ҳам ёзиб юборардилар. Газеталарда ҳам уларга алоҳида эътибор қаратиларди. Муштарийларнинг ёзганлари газета саҳифаларида ё чоп этиларди, ё уларга чоп этмаслик сабаблари ёзилиб, жавоб мактублари жўнатиларди. Кўп ҳолларда газетхонлар таклиф-мулоҳазалари асосида муаммоларнинг ечими жиддий таҳлил қилинган мақолалар эълон қилинарди. Хуллас, бирор газетхоннинг матбуотга муносабати эътиборсиз қолмасди. Эндиликда эса газета ва газетхон ўртасидаги бундай ҳамкорликка путур етди. Бугунги кунда газеталар таҳририятларига газетхонлардан хатлар келмаяпти, деб бўлмайди. Келаяпти, лекин уларнинг аксарияти шахсий ташвиш — арзнома, шикоятдан иборат, холос. Газетхон эса газета саҳифаларида бир одамнинг шахсий ташвишини эмас, халқни, миллатни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишни истайди. Обуначилар сонининг камайиб кетишида бу каби омилларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта.

*(Давоми бор).*

**Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган журналист**






"Интерфакс" хабарига кўра, Украинанинг янги президенти Владимир Зеленскийнинг инаугурация маросими 20 май куни маҳаллий вақт билан $10^{00}$ да бўлиб ўтади. Олий радада ушбу қарорни 315 нафар парламент аъзоси қўллаб-қувватлашди.

Аммо у қасамёд маросимини 19 май куни ўтказилишини илгари сураётганди. Унинг фикрича, амалдаги ҳукумат уни Олий радани қонунчиликда белгиланган муддатда тарқатиб юбориш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун инаугурация кунини ортга суришга уринмоқда.

Аммо ушбу санани фақатгина 207 депутат қўллаб-қувватлади. Аксарият парламент аъзолари Украинада 19 май сиёсий қатағонлар қурбонларини хотирлаш куни бўлгани боис бу санага қарши чиқишди.

Инаугурация сайлов натижалар расман эълон қилинганидан сўнг 30 кун ичида, яъни 3 июнгача ўтказилиши лозим.

ТАСС хабар беришича, янги президент Олий Радани тарқатиш таклифини илгари сурмоқда. Бу ҳақда унинг маслаҳатчиси Дмитрий Разумков "1+1" телеканалида маълум қилган.

"Зеленский Радани тарқатишни илгари сурди. Бунга учун етарли далиллар бор. Оддий мисол. Парламентда коалициянинг йўқлиги. Бу асослар қонунчиликда аниқ кўрсатилган. Баъзан батамом аниқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда тушунарли акс эттирилган", деган маслаҳатчи.

Украина парламентига навбатдаги сайловлар октябрь ойининг охирида бўлиб ўтади. Конституцияга кўра, президент парламент ваколатлари тугашига камида олти ой қолганида, яъни 27 майга қадар Радани тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари сайловлар ўтказишни белгилаш ваколатига эга.

***



Тожикистон Марказий сайловлар ва референдумлар комиссияси сиёсий партиялар мамлакат парламентининг қуйи палатасига бўладиган сайловларга тайёргарлик бошлаганини ва барча сиёсий партиялар 41 та сайлов округидаги ўз кузатувчилари рўйхатини тақдим қилишини маълум қилди.

Янги парламентга сайловлар 2020 йил бошида бўлиб ўтади.

Тожикистон социалистик партияси раиси А.Ғаффоровнинг маълум қилишича, навбатдаги сайловларга партиядан кузатувчиларнинг рўйхати сайлов комиссиясига юборилган. "Бу галги сайловларда бизнинг кузатувчилар иштирок этиб, овозларни ҳисоблаб чиқиши хурсанд қилади. Авваллари бу каби имконият йўқ эди. Мен сайловлар ошкора, адолатли ва шаффоф ўтишига шубҳа қилмайман".

Овоз бериш жараёнларини Тожикистон демократик партиясининг 84 нафар кузатувчиси ҳам назорат қилади. "Ҳозир биз сайловларда иштирок этиш мақсадида муносиб номзодларни кўрсатиш масаласини муҳокама қилаяпмиз", дея хабар беради партия раҳбари С.Усмонзода.

***



The Telegraph нашри хабар беришича, пластик билан ифлосланиш кўлами ортиши атроф-муҳитга жиддий хавф туғдирмоқда ва ҳар йили миллион нафарга яқин инсонлар умрига зомин бўлмоқда.

Таниқли бошловчи ва табиатшунос Дэвид Аттенборонинг таъкидлашича, пластик океанларга зарар етказади, ундан ифлосланиш эффекти эса "узоқ вақтдан бери эътиборсиз қолдирилган фалокатдир".

Маълумотларга кўра, ривожланаётган давлатларда ҳар 30 сонияда атроф-муҳитнинг пластикдан ифлосланишидан бир киши вафот этади. Бу зарарли таъсирдан биринчи навбатда чиқиндихоналар яқинида яшовчи одамлар жабр кўради. Бундай "қўшничилик"нинг оқибатлари саратон, безгак, ичбуруғ ҳисобланади.

Кўплаб табиатшунослар дунёнинг етакчи компаниялари, жумладан, Coca-Cola, Nestle, PepsiCo`ни ривожланаётган давлатларда пластик миқдорини 2 маротаба камайтиришга чақирмоқда.

***



Қуйи Австрия федерал ери маъмуриятида "Миграция учун 10 та қоида" деб номланган кодекс ишлаб чиқилди. Уни интеграция масалалари бўйича жамоат вазири Готтфрид Вальдхойзль тақдим қилган. Унда қочоқларни қонунларга амал қилиш ва Австрияга ёрдам бергани учун миннатдорлик билдиришга чорловчи, ўзини тутиш кодекси қочқинларга Австрия қонунларига риоя қилиш, немис тилини ўрганиш, келишмовчиликларни зўравонлик қўлламай ҳал қилиш, фарзандларни Австрия қадриятларига мувофиқ тарбиялаш, диний эркинликни ҳурмат қилиш, Австрияга ёрдам учун миннатдорлик билдириш талаблари белгилаб қўйилган.

Австрияда бошпана сўровчиларга бу кодексни имзолаш таклиф этилади. Бироқ бу қоидаларни бузганларга нисбатан жазо қўллаш кўзда тутилмаган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МУТОЛАА

Шоир ва таржимон Носир Муҳаммаднинг "Сирли зарварақлар" номли китобида донишманд Шарқнинг улуғ алломалари тўғрисида кўплаб таъсирчан маълумотлар, ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Улардан бири мавлоно Жалолиддин Румий ҳақида.

Бу улуғ зот яшаган даврда тасаввуф таълимоти Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, оддий халқ қатори ҳукмдорлар ҳам нуфузли тасаввуф олимларини ҳурмат қилар, уларнинг фикрини эътиборда тутар эдилар. Жалолиддин ёшлигиданоқ бобоси ва отаси ёрдамида бу илмдан баҳраманд бўлади. Шом, Ҳалаб, Дамашқ, Қайсария сингари йирик илм марказларида таълим олади. Умрини тасаввуф таълимотининг илғор жиҳатларини тарғиб қилишга бахшида этади. Шу сабабли бу аллома қолдирган маънавий ва ирфоний мерос бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

# ҲИКМАТЛАР ОЛАМИ САБОҚЛАРИ



"Шоирнинг сўнгги кунлари ҳақида шогирдлари, дўстлари кўплаб хотиралар ёзишган, — деб ҳикоя қилади Носир Муҳаммад. — Шулардан бири Шамсиддин Афлокийнинг "Маноқиб ул-орифин" асаридир. Унда баён қилинишича, шоир оғир хаста пайтида Кўниёда бир ҳафта ер қимирлайди. Шунда у дўстлари ва шогирдларига қараб, "Бечора ер ёғли луқма истаяпти" дейди. Бунда у ўз вафотини кўзда тутган эди".

1273 йилнинг совуқ қиш кунларидан бирида мавлононинг жўшқин ҳаёти ниҳоясига етади. Шоир туғилишни илоҳий нурдан узилиш ва ўлимни яна ўша нурга қўшилиш деб билар эди. Хотираларда айтилишича, устознинг вафоти Кўниёда катта мотамга айланади. Дафн маросимида мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар иштирок этадилар. Чунки Румий умри давомида инсон фарзандларини бирликка, аҳилликка чақирган, динлар ва эътиқодлар турлича бўлса ҳам, Яратувчи ягона эканлигини тинимсиз тарғиб қилган, бу ҳақиқатни кўпларнинг қалбига сингдира олган донишманд эди.

Шоир Кўниёдаги Эрамбоғчада, отасининг қабри ёнига дафн этилади. Орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, мавлононинг мақбараси дунёдаги энг табаррук зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар йили декабрь ойида бу ерда ўтказиладиган рақсу самоъ мажлисларига дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб зиёратчилар келади. Румийнинг шогирдлари ва фарзандларига васияти шундай бўлган экан: *"Сизларга васиятим шуки, хоҳ пинҳон, хоҳ ошкор оз еб, оз ухланг, оз гапиринг, гуноҳлардан сақланинг, тунлари бедор бўлиб, ҳавойи орзу-истаклардан воз кечиб, оми ва нодонлар даврасини тарк этиб, улуғлар ва солиҳлар билан суҳбат қуриб, Аллоҳга тақво қилинг. Одамларнинг яхшиси — одамларга фойдаси тегадиганидир. Сўзнинг яхшиси ози ва мақсадга етказадиганидир. Ва ҳамд ёлғиз Аллоҳгадир"*.

Жалолиддин Румий китобларини ўқиганим сайин ёндафтаримда кўп ёзувлар пайдо бўлади. Уларнинг баъзилари:

*"Дўкондаги нарсалар омбордагиларнинг бир қисмидир. Омборда бор нарсаларнинг ҳаммасини дўконга сиғдириб бўлмайди. Инсон ана шундай дўконга ўхшайди. Унга Тангрининг сифатлар хазинасидан бирор-бир парча (эшитиш, кўриш, ҳис этиш, сўзлашиш, ақл-фаросат, билим, мардлик, жасорат кабилар) берилган. Демак, инсонлар Тангрининг сотувчиларидир ва улар бу иш билан машғулдирлар. Кундузи савдо қилиб, идишларни бўшатадилар, кечаси эса бўш идишларни яна тўлдирадилар, тўлганларини қувватлантирадилар"*.

*"Очлик — бир савол. Вужуд уйида бир танглик бўлиши билан: "Ғишт бер, лой бер", дейди. Овқат емаслик эса, "Бунга ҳали эҳтиёж йўқ" деган жавобдир. Табибнинг бемор қўлини ушлаши савол бўлса, томирнинг уриши жавобдир. Одамнинг юзига боқиш — савол, унинг ранг-рўйи эса — сўзсиз жавоб. Уруғ сочмоқ — савол, унинг кўкариши тилсиз айтилган жавоб. Уруғнинг униб чиқмай, чириб кетиши ҳам жавоб. Жавоблар сассиз бўлгани учун саволлар ҳам сассиз бўлиши мумкин. Зеро, жавоб бермаслик ҳам жавобдир"*.

Маҳмуд Асад Жўшоннинг Мирзо Кенжабек саъй-ҳаракатлари билан чоп этилган "Тасаввуф ва гўзаллик" китобида қуйидаги ривоят бор.

Хонақоҳда улуғ бир шайх ҳузурига илм истаб келган ёшларни ўқитар, турли юмушларни бажаришга буюрар, вақти-соати келганда салоҳиятларига қараб, "Бўлди бўтам, энди сен фалон юртга, сен эса писмадон юртга бор, олган илмингни намоён эт, насибанг ўша ерда", деб шогирдларига фотиҳа берар экан. Баъзи талабалар хонақоҳда узоқ қолиб кетишса, баъзилари тиришқоқлик қилиб, тез орада йўлга тушишар экан.

Шу хонақоҳнинг ошхонасида бир йигит анчадан бери ҳолва пиширар экан. Бир куни у узун сопли куракчаси билан қозонда ҳолва тайёрлаётган экан, шайх ҳузурига келган шогирдларнинг устоздан фотиҳа олиб, турли юртларга кетишаётгани хаёлидан ўтибди: "Мендан кейин келганлар ҳам кетаяпти, мен эса бу ерда ҳолва тайёрлаб ётибман. Бу ноҳақлик эмасми?" деб нияти бузилибди. Шу пайт ҳолва пишаётган қозоннинг олдида... шайх ҳазратлари пайдо бўлибди ва "Бўлди, етишдинг" деб ҳолвачини Ҳиндистон ўлкасига жўнатибди. Йўл олдидан шогирдига шундай дебди: "У ерларда нима топсанг, қоқ иккига бўламиз, ярми сеники, ярми меники бўлади, шуни унутма", дебди.

Ҳолвачи тайинланган манзилга етиб бориб, чекка бир жойда кўним топибди. Одамлар унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишибди, номи юртга ёйилибди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, юртнинг ҳукмдори вафот этибди. Одамлар кимни ҳукмдорликка тайинлаш тўғрисида бош қотириб туришганида, бир киши: "Мана шу муборак зотни тайинлаймиз, бундан бошқа муносиб номзодни топа олмаймиз", дебди. Бу таклиф ҳаммага маъқул келибди.

Хуллас, собиқ ҳолвачи юртга подшоҳ бўлибди. Адолат билан иш тутиб, халққа кўп яхшиликлар қилибди, юрт обод бўлиб, хазина бойликка тўлибди. Орадан кўп йиллар ўтгач, бир куни подшоҳнинг кўнглида "Устоз нима топсанг тенг иккига бўламиз" дегандилар, ҳозир келиб қолсалар шунча тўплаганим иккига бўлинади-я", деган иштибоҳ пайдо бўлибди. Хаёлига шу шум фикр келиши биланоқ қаршисида шайх ҳазратлари намоён бўлибди. Подшоҳ устозга иззат-икром кўрсатибди, тахтидан тушиб, у жойга шайхни ўтқазиб, ўзи пастга тушиб тиз чўкибди. Шайх ҳолвачига: "Сени бу ерга жўнатганимда, нима топсанг иккига бўламиз, деганим ёдингдами? Ёдингда бўлса, қани, топган-тутганингни олиб чиқ", дебди.

Ҳолвачи мол-мулки, уй-жойи, бойликларини кўрсатибди. Шайх жиддий туриб, ҳамма нарсани иккига бўла бошлабди. Бундан ҳолвачининг юраги сиқилибди. Тақсимот тугагач, шайх шогирдидан: "Уйландингми?" деб сўрабди. "Ҳа, уйландим, беш нафар фарзандим бор", дебди подшоҳ. Шайх: "Иккитаси сеники, иккитаси меники, бешинчисини иккига бўламиз", дебди. Подшоҳ: "Йўқ, устоз, бешинчиси яккаю ёлғиз ўғлим, у сизники бўла қолсин, хизматингизни қилиб юради", деган экан, шайх бу таклифга кўнмай, "Мен адолатли одамман, тенг бўлиб оламиз", деб болта келтиришни буюрибди. Подшоҳнинг капалаги учибди, "Боламни худди қўйни нимталагандек иккига бўлса, фарзандимдан айрилиб қоламан-ку, ҳе, сендақа устозни", дея қўлидаги курак билан шайхга ҳамла қилибди. Ҳамласидан ўзи чўчиб... хаёли жойига келибди. "Ё Аллоҳ, хайрият хаёл экан", дебди. Шу пайт қараса, шайх ҳазратлари эшик кесакисига суяниб унга қараб турган экан. Қўрққанидан эгилиб салом берибди. Шайх бўлса унга қараб, бамайлихотир: "Кавлайвер, бўтам, бу калланг билан хонақоҳда ҳали кўп ҳолва пиширасан", деган экан.

Радий Фишнинг "Уйқудагилар уйғонажак" сарлавҳали романини мутолаа қилар эканман, Жалолиддин Румий таъсирида битилган ушбу асарда ҳам ғоят таъсирчан мушоҳадаларга дуч келдим.

"Кимлардир ҳақиқатга ғоят яқин келиб, унинг нуридан кўзлари қамашиб, тўхтаб қоладилар, баъзилар эса ҳақиқат оловида ёниб, бу ёруғ оламда бирор нарса (эзгу иш) қолдирмай, кулга айланадилар", "Хоҳиш-истакни ақл-идрокка бўйсундириш — дунёнинг ярмини забт этишдан мушкул", "Айёрлик аҳмоқларнинг ақлидир", "Ўлимни кутиш — ўлимнинг ўзидан оғир", "Билмайсан, бехабарсанки, сенинг ўзинг буюк китобсан, бу китобни ўқимайсан, нажот йўлларини кўрсатувчи ҳарфларини танимайсан, англамайсан. Қалбинг тубсиз уммон, чексиз осмон, мангу латофат, унга олам сиғади, сен сиғмайсан, холос. Негаки, ўзингни танигувчи қалб кўзларинг очилмаган", "Қорнинг билан бирга, қалбингни ҳам озиқлантириб тур. Фақат қорин ва қалб таомлари бошқа-бошқа эканини унутма", "Инсоннинг энг катта хатоси мен биламан, деб ўйлашида. Ҳолбуки, билиш — чексиз, ҳадсиз, ўлчовсиздир".

Шу китобдан бир ривоят: *"Нишопурда икки буюк даҳо — Ибн Сино ва шайх Абу Саид Майхоний учрашиб қолдилар. Уларнинг шогирдлари бу суҳбат қандай тугашини билолмай, сукут сақлаб туришди. Даҳолар бир-бирларидан қониқиш ҳосил қилишади. Ибн Сино шогирдларига "Абу Саид мен билган нарсаларни кўриб турар экан" деса, Абу Саид "Ибн Сино мен кўрган нарсаларни билар экан" дейди.*

Яна бир иқтибос: *"Бағдодда мол-мулки беҳисоб бир савдогар бўлган экан, Кордова ҳокими унинг яқин дўсти экан. Кемаларда Испанияга мол жўнатар экан. Бир йили кемалари сувга ғарқ бўлибди. Ерларини босқинчилар эгаллаб олишибди. Хотини оламдан ўтибди, дўстлари ундан юз ўгирибди. Нажот излаб, бир ҳолатда Кордовага келибди, аммо мулозимлар уни саройга киритишмабди. Шаҳар ҳокими хабар топиб, уни сарой ошхонасида уч йил гўлахлик қилишга тайинлабди. Уч йилдан сўнг ҳоким унга 100 та қўй берибди. Қўйлар касалланиб ўлиб кетибди. Ҳоким унга 50 та қўй берибди. Қўйларни бўрилар еб кетибди. Ҳоким унга 25 та қўй берибди. Қўйлар кўпайиб, собиқ савдогар тез орада яна бойиб кетибди. Шундан кейин ҳоким уни Севилья шаҳрига ҳоким қилиб тайинлабди. Шунда у: "Нега мени олдингизга келган кунимоқ ҳоким қилиб тайинламадингиз?" деган экан, дўсти: "Агар сени ўшанда ҳоким қилиб тайинлаганимда, Севильянигина эмас, бутун Кордова мулкини ҳам еб битирар эдинг", дея жавоб қайтарибди..."*

Буюк хитой файласуфи Конфуций ёшлигидан илм олишга қизиқади, ёғоч, шойи, бамбук парчаларига ёзилган китобларни қайта-қайта ўқиб чиқади, уларда баён этилган маъноларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилади. Йигирма икки ёшида донишмандлик даражасига етади, миллатнинг буюк муаллими, улуғ устоз мақомига эришади. Олимнинг фикрича, "инсон, энг аввало, яхши хулқи, одоб-ахлоқи, жамият ҳаётидаги фаоллиги, тутган мавқеи, ўрни, одамларга тегаётган нафи, эзгу инсоний фазилатлари билан инсон. Ота-онасини, устозларини севмайдиган, халқнинг, мамлакатнинг тарихига, қадимдан сақланиб келаётган урф-одатлар, анъаналарга беписанд бўлган, уларга амал қилмайдиган, илм олишга қизиқмайдиган киши ҳаётда ҳеч нимага эришмайди, бундай одамлар ўзларининг тор шахсий манфаатлари доирасида қолиб кетадилар". Буюк донишманд шогирдларига шундай маслаҳат беради: "Билим олишга қизиқадиганларнинг ортидан эргаш, билмасликларини англаб етмаганларга бу тўғрида гапир, билмасликларини биладиганларларга ўргат, билмасликларини била туриб, билим олишни ихтиёр қилмаганлардан қоч".

Китоблар мутолааси бизни мана шундай ҳикматлар оламига бошлайди.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**«Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири**

# Хайрли ташаббус қулоч ёзмоқда

Маълумки, 2019 йил 19 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган бўлиб, тўртинчи ташаббус ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, шу орқали улар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш эди. Шунингдек, Юртбошимиз 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи доирасида вилоят фаоллари билан ўтказган йиғилишида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратди.




Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган суратлар

Буни қарангки, ташрифнинг эртасигаёқ — 2019 йил 8 май куни Фарғона марказий деҳқон бозорида "Фарғона китоб олами" маърифий савдо мажмуасининг "Ўқитувчи" бренди остидаги китоб дўкони ўз фаолиятини бошлади. Бу давлатимиз раҳбарининг юқоридаги хайрли ташаббусига фарғоналикларнинг "лаббай" деган жавоби бўлди, дейиш мумкин. Шуниси эътиборлики, қарийб 60 миллион сўм маблағ сарфланган "Ўқитувчи" ҳаракатланувчи дўкон тариқасида бунёд этилиб, унинг ишга туширилиши эвазига 2 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

— Дўконимиз пештахталаридан салкам беш юз номдаги 6000 донага яқин, барчага мақбул бўлган китоблар ўрин олган. Энди ўзингиз ўйланг, рўзғорга бозор қилиш учун тушган инсон озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга яқинларига, фарзанду набираларига китоб ҳам олиб қайтса, қандай ярашади, — дейди "Фарғона китоб олами" маърифий савдо мажмуаси раҳбари Назиржон Ҳошимов.



Дарҳақиқат, китоб дўкони ишга тушган заҳотиёқ бозорга келган харидорлар билан тўлиб кетди. Айниқса, ота-оналар болалар адабиётларини, ёши улуғ ҳамюртларимиз эса диний-маърифий китобларни кўпроқ харид қила бошлашди. Китоб дўкони сотувчиси Мафтуна Махсудованинг таъкидлашича, атоқли олим, тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг "Буюк юрт алломалари" ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг "Одамийлик мулки" асарларининг бозори чаққон. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган хайрли ташаббус кенг қулоч ёзмоқда. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганидек, китоб — барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

**Хуршид УСМОНОВ,**
**журналист**

## ТУҲФА



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати хабарига кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда муборак Рамазон ойи муносабати билан http://uza.uz сайтида "Имом Бухорий ҳадислари" номли бўлимни ташкил этди.

# Имом Бухорий ҳадислари

Мақсад — ислом динининг асл моҳиятини ёшларга ҳадиси шарифлар орқали етказиш, юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий ва бошқа муҳаддис алломалар қолдирган бой илмий меросни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Имом Бухорий ҳазратлари тўплаган ҳадислари ушбу бўлимда босқичма-босқич тақдим этиб борилади.

Ҳадисларни баён этиш жараёнида уларнинг кўпчилик тушунадиган содда тилда бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Қолаверса, юртимизда асрлар оша мусулмонларнинг фиқҳий мазҳаби бўлмиш, Ҳанафий мазҳабида бўлиши ҳам эътиборимизда турди.

"Имом Бухорий ҳадислари" номли бўлим фаолиятини Имом Бухорий бобомизнинг иккинчи бош асарлари бўлмиш «Ал-адаб ал-муфрад» китобларига забардаст уламо, фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қилган шарҳларидан бошлашга қарор қилдик. Имом Бухорий ҳазратлари ушбу китобларида одоб-ахлоқ масалаларига оид ҳадисларни саралаб келтирган.

Эълон

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати қуйидаги товарларни харид қилиш учун танлов эълон қилади.

1. Партия билети — 190 000
2. Ҳисоб картаси — 190 000

Мурожаат учун телефон:
(90) 353-84-25
(97) 464-55-72

МУАССИС:
O'ZBEKISTON ADOLAT
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 500.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 3324
Босишга топшириш вақти — 23.10
Босишга топширилди — 00.30
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 феврлдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 4 5 6